Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 106 (21. 205) 1992 йил 29 май, жума ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

28 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Мажлисда «1992-1993 йилларда республика корхоналарида энг зарур ашёвий моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко шу ҳақда маъруза қилди.

Мажлисда, шунингдек республикадаги бир қанча олий ўқув юртларининг ректорлари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев иштирок этди.

(Бу ҳақдаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонларидан бирида эълон қилинади).

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ҒАЛЛА ХАРИД НАРХИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада ғалла етиштириш ҳажмини кўпайтириш учун шарт-шароит яратиш ҳамда жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликлари, ижарачи жамоалар ва фермер хўжаликларининг оширилган улгуржи нархларда моддий-техникавий ресурсларни сотиб олиш харажатларини қисман қоплаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик вазирлигининг ғалла харид нархларининг энг юқори даражасини ошириш юзасидан Молия вазирлиги билан келишилган ва иловада кўрсатилган таклифи қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги янги харид нархлари рўйхатини бир ҳафта муддатда нашр этиб, манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

КРЕДИТ МАБЛАҒЛАР АЖРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Нархлар ошганлиги ва кредит маблағлар тақчиллиги сабабли республика халқ хўжалигининг бир маромда ишлаши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Давлат банкига саноат корхоналари, деҳқончилик-саноат мажмуи, савдо ва таъминот ташкилотларига кредит пули бериш учун аниқ мақсадни мўлжаллаб 4500 миллион сўм ҳажмида кредит маблағлар ажратиш тавсия қилинсин.

2. Мазкур кредит маблағлар 2500 миллион сўм миқдорида Ўзбекистон Деҳқончилик-саноат банкига ва 2000 миллион сўм миқдорида Ўзбекистон Саноат-қурилиш банкига берилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1992 ЙИЛ 28 МАЙДАГИ 250-СОНЛИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

ДОННИНГ ЭНГ ЮҚОРИ ХАРИД НАРХЛАРИ

(бир тоннаси учун сўм ҳисобида)

Буғдой	8000
Арпа	6400
Сули	6400
Қора буғдой	7660
Шоли	11000

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИ ИДОРАЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Прокуратура идоралари даги кўп йиллик самарали иши, қонунийликни мустаҳкамлашга ва ҳуқуқ билимларни тарғиб қилишга шахсан қўшган ҳиссаси, ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»

Охунов Танқиджон Парпиевич — Фарғона вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғининг ўринбосари

Қодирова Турсунхон Салоҳиддиновна — Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси кадрлар бошқармасининг катта прокурори

Мустафоев Бўритош — Ўзбекистон Республикасининг прокурори

Раҳматуллаев Исҳоқжон — Наманган вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Собиров Аҳмад — Хоразм вилояти, Урганч шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

Сойимов Тўрахон — Сурхондарё вилоятидаги Қумқўрғон район прокурорининг ёрдамчиси

Сатторов Самат — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Ҳамроқулова Адолат Баҳромовна — Самарқанд вилояти прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Шосаидов Комил Каримович — Андижон вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Юнусхўжаев Файзуллахўжа Абдураҳимович — Ўзбекистон транспорт прокуратураси тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Абдуллаев Ҳабибулла — Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари

Алиохунова Калима Исоқовна — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг судларда фуқаро ишлари кўриб чиқилиши устидан назорат бўлими катта прокурори

Бойдадаев Маҳаммадамин Нишонбоевич — Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Бегматов Эшпўлат Холмирзаевич — Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ички ишлар идораларида тергов ва суриштириш устидан назорат бошқармасининг прокурори

Ваҳобов Мақсуд — Бухоро вилояти прокуратурасининг катта прокурори

Давронов Умарқул — Сурхондарё вилояти Денов шаҳар прокурорининг ўринбосари

Жабборов Қўзибой Шоназарович — Хоразм вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Жўрабоев Зайниддин — Сирдарё вилояти прокурорининг ёрдамчиси

Қодиров Ботир Ашурович — Тошкент шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси

Каримхўжаева Ханифа Ҳабибуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг катта прокурори

Қиличев Файзулла — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Мажидов Абдулла — Тошкент шаҳар прокуратурасининг шофёри

Мамадалиева Раъно Қосимовна — Наманган шаҳар прокурорининг ўринбосари

Маматқулов Лапас Шерқулович — Жиззах вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Маннонов Абдурашид Муталович — Тошкент вилояти прокурори

Мирзаев Тоҳир Қамбарович — Тошкент шаҳар прокурори

Набиев Хошимхўжа — Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати маъмурий-ҳуқуқий масалалар бўйича эксперти

Ниёзимбетов Кудайберген Аяпбергенович — Тўрткўл район прокурорининг ўринбосари

Нурбоев Обид Содиқович — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг катта прокурори

Ўлжаева Юлдуз Насриддиновна — Навоий шаҳар прокурори

Сувонова Феруза Усмоновна — Қашқадарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Туркин Алексей Васильевич — Сирдарё вилояти Янгиер шаҳар прокурорининг ўринбосари

Умаров Нодир Телманович — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси

Ҳақназаров Бахтиёр Убайдуллаевич — Тошкент шаҳар Яккасарой район прокурори

Шастов Николай Трифонович — Фарғона шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Шодиев Саид Ҳамроевич — Бухоро вилояти Когон районларо прокурори

Эргашев Нурали — Тошкент вилоятидаги Бўка районининг прокурори

Эргашева Мавлуда Бекмуродовна — Самарқанд шаҳар Боғишамол райони прокурорининг катта ёрдамчиси

Эсонов Малик Ғаниевич — Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасининг криминалчи-прокурори

Юсупов Қўчқор Йўлдошевич — Тошкент транспорт прокурори

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 27 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КОРХОНАЛАРИНИ ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТДАН БЮДЖЕТГА СОЛИҚ ТЎЛАШДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларига, деҳқонлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига давлат томонидан қўшимча мадад бериш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалик корхоналари 1992 йилнинг 1 июнидан бошлаб қўшимча қийматдан солиқ тўлашдан озод қилинсин.

2. Жамоа хўжаликлари, давлат хўжаликларига ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига солиқ тўлашдан озод бўлиш ҳисобига олинган қўшимча маблағларни асосан иш ҳақини оширишга сарфлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатларида меҳнат ҳақи жамғармасининг 70 фоизига қадар етказилишини таъминлаш тавсия қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармон бажаришини ташкил этиш юзасидан 3 кун муддат ичида қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 май.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Инсонпарварлик, раҳмшафқат ва беғараз ёрдам бериш, халқ анъаналарини намоён этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда Қизил хоч ва Қизил ярим ой ҳаракатининг олий мақсад ва қоидаларини рўёбга чиқаришда жумҳурият жамоатчилигининг иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Қизил хоч ва Қизил ярим ой халқаро ҳаракатининг бир қисми сифатида Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятининг ваколатларини белгилаб берган 1949 йил 12 августдаги Женева конвенцияларини ҳамда 1977 йил 26 сентябрдаги I ва II қўшимча протоколларни тан олиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг муҳокамасига қўйилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти республиканинг бутун ҳудудида иш кўради ва инсонпарварлик ёрдами бериш соҳасида давлатга ҳамда унинг соғлиғни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш идораларига ихтиёрий равишда кўмаклашади. Давлат Қизил ярим ой жамиятининг ҳуқуқ ва ваколатларига риоя этилишини кафолатлайди ҳамда Низомда кўрсатилган фаолиятни амалга оширишда унга ёрдам беради.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари Қизил ярим ой жамиятининг инсонпарварлик фаолиятида уни бутун чоралар билан қўллаб-қувватласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қизил ярим ой жамияти билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши муҳокамасига:

— «Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига биноан солиқ солинадиган манбадан истисно қилинадиган Қизил ярим ой жамиятининг хайрия бадаллари ва бошқа хайр-эҳсонлар миқдорини чеклашни бекор қилиш тўғрисидаги;

— Қизил ярим ой жамиятини ҳамда у таъсис этган ташкилотлар ва корхоналар бюджетга тўланадиган барча солиқ маблағларидан Низомдаги асосий вазифаларни бажаришлари учун тўлиқ фойдаланиш шарти билан уларни ана шу солиқлардан озод қилиш ҳақидаги таклифларни тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қизил ярим ой жамияти маблағ тўплаш юзасидан хайрия тадбирларини ўтказиш тартибини ишлаб чиқсин, шунингдек, жамият фаолиятини кучайтириш ҳамда унинг Қизил хоч ва Қизил ярим ой миллий жамиятлари халқаро федерациясига аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ масалаларни ҳал этсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 28 май.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасида

Илгари хабар қилинганидек, 27 май куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Истеъмол бозоридаги аҳволни барқарорлаштиришнинг баъзи муаммолари ва республика аҳолисини истеъмол моллари билан кафолатли таъминлаш тўғрисида»ги масала кенг муҳокама этилиб, шу юзасидан тегишли қарор қабул қилингани ҳамда республика ҳукуматига бир қатор амалий таклифлар билдирилганлиги ҳақида аввал маълум қилинганди.

Сиёсий Ижроия Қўмитасининг мажлисида бошқа бир қанча муҳим масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жумладан, «Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий партиялар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ташаббус тариқасида ишлаб чиқилган қонунлар лойиҳалари ҳақида ҳамда Халқ демократик партияси аъзоси бўлмиш республика халқ депутатлари ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида болаликни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Марказий Кенгаш Матбуот, ахборот ва тарғибот бўлимининг «Ўзбекистон Халқ демократик партияси раҳбариятининг бир гуруҳ ўзбек адиблари билан учрашуви якунларига доир» хати кўриб чиқилди.

Маълумки, 1992 йил 19 май куни ХДП Марказий Кенгашида партия раҳбариятининг республикадаги таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашуви ўтказилганди. Бўлиб ўтган қизғин мулоқот давомида адиблар Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов сиёсатини қўллаб-қувватладилар, халқимиз дуч келган қийинчиликларни муваффақиятли енгиб чиқиш учун барқарорлик, ҳамжиҳатлик ва барча куч-ғайратларни бирлаштириш лозимлигини таъкидладилар, жамиятни янгилашда адабиётнинг ўзига хос ўрни борлигини кўрсатиб ўтдилар. Маданий ҳаётда тушкунлик, ижодий ходимлар ўртасида эса парокандалик кучайиб бораётган ҳозирги муҳитда Ўзбекистон ХДП уларни бирлаштирувчи, хайрли саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватловчи куч бўлиши мумкинлигига ишонч билдирдилар.

Айни вақтда учрашув қатнашчилари ХДП билан ёзувчилар уюшмалари биргаликда амалга оширишлари мумкин бўлган таклифларни киритдилар. Таклифлар орасида диққатга сазоворлари қўйидагилар: Ўзбекистон ХДП жамиятдаги етакчи партия сифатида барча сиёсий партия ва ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари билан ўзаро мулоқотни йўлга қўйиши даркор; ХДП адиблар, санъаткорлар, маданият арбоблари, ижодий уюшмалар билан узвий алоқалар ўрнатиши, партия Марказий Кенгаши қошида ижодкор арбобларнинг доимий кенгашини тузиши лозим; ХДП ҳомийлигида ёзувчиларнинг махсус гуруҳларини тузиб, уларнинг Қорақалпоғистон ва барча вилоятларга сафарларини уюштириш партия учун ҳам, қалам аҳллари учун ҳам фойдали бўлар, уларнинг халқ билан алоқалари яхшиланар эди; Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилишига партия ташкилотлари ўз ҳиссаларини қўшишлари керак.

Бозор муносабатларига ўтиш ва нарх-навонинг сурункасига ўсиб бориши натижасида адиблар қийин аҳволга тушиб қолдилар; қоғоз нархи ва нашриёт-матбаа хизматлари ҳақининг кескин равишда ошганлиги ҳамда китоб савдосининг қасодлиги оқибатида ёзувчи ва шоирларнинг асосий кун кечириш манбаи — асарларини чоп этиш қийинлашди. Бадиий ижод соҳибларининг қалам ҳақи ниҳоятда паст даражада қолмоқда. Республика раҳбариятининг бу ҳақдаги аниқ топшириқлари бажарилмаяпти. Шу боисдан нашриётларга арзон баҳода қоғоз етказиб бериш, ёзувчиларнинг қалам ҳақини ошириш тўғрисидаги қарорларнинг бажарилишини таъминлаш, энг яхши асарларни тақдирлаш анъаналарини ривожлантириш, адибларнинг маиший шароитларини яхшилаш айни муддао бўлур эди.

Сиёсий Ижроия Қўмитаси, шунингдек, Марказий Кенгаш Матбуот, ахборот ва тарғибот бўлимининг «Республикада ижтимоий-сиёсий фанларнинг аҳволи ва уларни ўқитиш муаммолари бўйича жамиятшунос олимларнинг таклифлари ҳақида»ги хатини ҳам муҳокама қилди. 27 май куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаш раҳбариятининг республикамизнинг таниқли жамиятшунос олимлари ва олий ўқув юртлари домлалари билан учрашуви ўтказилганди. Мулоқотда қатнашганлар ижтимоий фанлар ҳамда уларни ўқитиш аҳволига атрофлича тўхталдилар.

Ўзбекистон мустақиллигини назарий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, унинг бой ўтмишига тўғри баҳо бериш ва ундан оқилона фойдаланиш, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва Навоийдек буюк даҳоларимизнинг гуманитар фанлар соҳасидаги ажойиб анъаналарини давом эттириш, ёш авлодни она-Ватанга меҳр-муҳаббат, умуминсоний қадриятларни самарали ўзлаштириш руҳида тарбиялаш, халқимизнинг сиёсий маданиятини ошириш, қолаверса, республикамизнинг истиқболини башорат қилиш каби тарихий вазифаларни ижтимоий-сиёсий фанларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Модомики шундай экан фалсафа, тарих, сиёсий тарих, социология, сиёсатшунослик, ҳуқуқ, иқтисодиёт назарияси, маданиятшунослик ва бошқа гуманитар фанларни узлуксиз ривожлантиришимиз, улардаги қусур ва нуқсонларни бартараф этишга эришишимиз лозим.

Халқимизнинг бой маънавий мероси ва жаҳон тажрибаси мустақил тараққиёт йўлига кирган Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий фанларни ривожлантиришга ва уларни ёшларимизга ўқитишга ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор беришни тақозо этмоқда.

Ижтимоий-сиёсий ва гуманитар фанларни ривожлантириш, уларни олий мактабда ўқитиш давлат сиёсатининг муҳим устивор йўналишларидан бири деб ҳисобланиши керак.

Ижтимоий фанлар бўйича профессор ва ўқитувчиларни даврга монанд фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган замонавий билимлар билан қуроллантириш мақсадида уларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги мунтазам тизимини яратиш, унинг моддий-техника заминини мустаҳкамлаш лозим.

Сиёсий Ижроия Қўмитаси мазкур учрашувлар якунига доир тегишли қарорлар қабул қилди.

Сиёсий Ижроия Қўмитасининг мажлисида Ўзбекистон Республикаси Экология ва саломатлик жамғармаси (ЭКОСАН)ни тузишда ҳаммуассис бўлишга қарор қилинди.

Мажлисда 1992 йилда Тошкент Сиёсатшунослик ва бошқарув институти сиёсатшунослик факультетига тингловчилар қабул қилишга оид таклифлар маъқулланди.

Марказий Кенгаш Сиёсий Ижроқўми Мингбулоқ нефть фавворасини жиловлаш жараёнида шижоат кўрсатган 6 нафар ХДП аъзосини моддий рағбатлантиришга қарор қилди.

Мажлисда шунингдек, партия ички ҳаётига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сиёсий Ижроия Қўмитасининг мажлисини Марказий Кенгаш биринчи котиби М. М. Расулов олиб борди.

ҚИЙИН БЎЛАЯПТИ, ЛЕКИН УДДАЛАЙМИЗ!

ЯНА БИР СИНОВ

Кейинги кунларда Андижон вилоятида ёққан кучли ёмғир қўриқ Комсомолобод районидаги далаларини ҳам четлаб ўтмади. Салкам икки соат давом этган жала натижасида Мирзааҳмедов номидаги, «Улугнор», «Дўстлик», «Комсомол», «Оқолтин» давлат хўжаликларидаги 4 минг гектардан кўпроқ пахта майдони сув остида қолди. 2 минг гектар ердаги ғўза ниҳолларининг 30 фоизини дўл уриб кетди. Боғ ва токзорларга ҳам жиддий шикаст етди.

Ҳозир хўжаликларда барча куч ва воситалар қатқалоқни юмшатиш, ҳар туп ғўза ниҳолини сақлаб қолишга сафарбар этилмоқда.

(ЎзА мухбири).

МАДАД ҚЎЛИНИ ЧЎЗДИЛАР

Хоразм деҳқони табиий офат олдида гангиб қолмади. Ўзининг кўп йиллик бой тажрибасини ишга солиб, совуқ уриб кетган майдонлардаги экинларни қалб ҳарорати билан иситишга, пайкалларга зудлик билан ишлов бериб, ҳар бир мурғак ниҳолни, боғлардаги ҳар бир туп мевали дарахтни авайлаб-асрашга бел боғлади.

Табиий офат вилоятнинг Янгибозор, Урганч, Янгиариқ, Хонқа, Боғот ва Ҳазорасп туманлари хўжаликларига, айниқса, кўпроқ зарар келтирди.

Бундай аянчли манзара ҳар қандай юракни ҳам ларзага келтириши аниқ эди. Биринчи навбатда деҳқонларнинг ўзлари зудлик билан оёққа қалқишди. Уларга кекса-ю ёш барча ҳамқишлоқлари, шаҳар ва район марказларига қатнаб ишлайдиган элдошлари, агросаноат уюшмаларининг, бошқа мутасадди идораларнинг мутахассислари ёрдамга келишди.

Азамат деҳқонлар табиий офат оқибатларини тугатиш юзасидан туманларда ва вилоятда тузилган махсус комиссиялар тавсияларига асосида иш олиб бориб, табиат содир қилган қийинчилинларни юксак уюшқоқлик, ташкилотчилик ва омилкорлик билан даф этмоқдалар. Ана шу мақсадда вилоятда умумий сафарбарлик эълон қилинган. Ёмғир сувидан тозаланиб нами қочирилган пайкаллар ротацион мотигалар, зиг-заг бороналар, айрим ҳолларда эса чизеллар воситасида, баъзи далалар кетмон ва «юлдузча» деб аталган махсус қўлбола мосламалар, жажжи кетмончалар билан юмшатилмоқда.

— Бундай пайтда сифатли ва чуқур культивациялаш ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга, — дейди Хонқа туманидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги раиси Онабиби Машарипова. — Яхши ва чуқур культивация тупроқда ҳаво алмашинишини яхшилайди, илдиз чириш касаллигининг олдини олади.

Сел оқибатларини тезроқ бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган оммавий сафарбарлик курашида минглаб кишилар деҳқонларга мадад қўлини чўзмоқдалар. Инжиқ табиат бироз «четлаб» ўтган Гурлан, Шовот, Қўшкўпир туманларининг қатор хўжаликлари эса селдан қаттиқ шикаст кўрган Боғот ноҳиясидаги «Ленинизм», «Победа», шунингдек бошқа хўжаликларга ёрдам бериш учун ўз механизаторлари билан бирга ўнлаб механизмлар ҳам жўнатишди.

Э. МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҒОЯТ МУҲИМ, ВАҚТИДА КЎТАРИЛГАН МАСАЛА

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расуловнинг рўзномамизнинг 30 апрель сонида босилган «Ўзбекистон ХДП фаолиятининг партия дастурий мақсадларидан ва республикада қарор топган ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқувчи устивор йўналишлари тўғрисида»ги хатига жавобан жойлардан олинган акс-садо хатларнинг аксарият қисми мазмунида ана шундай фикр ўз ифодасини топган.

ЎЗБЕКИСТОН Халқ демократик партияси шу кунларда оғир шароитларда, яъни бир томондан Иттифоқ батамом емирилиб битган, собиқ республикаларни бир-бирига боғлаб турган ҳаётий ришталар узилиб кетган, халқнинг турмуш даражаси ғоят пасайган, иккинчи томондан эса собиқ Компартиянинг барча гуноҳларини янги партияга тўнкашга ҳаракат қилаётган оппозициядаги кучларнинг ҳуружи кучайган бир шароитда иш олиб боришига тўғри келмоқда. Шуларга қарамай ХДП ташкилий даврдаги қийинчиликларни тўла ишонч билан босиб ўтиб, кучига-куч қўшилиб, аҳолининг турли табақалари ўртасида обрўси кўтарилиб бормоқда.

Аммо кези келганида шуни ҳам айтиш керакки, барча партия ташкилотлари ҳам бир маромда иш олиб бормаётирлар, партия эга бўлган қуч-қувватдан тўла фойдаланилаётгани йўқ. Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, баъзи ХДП ташкилотлари, партия фаолларининг ҳозирги даврда қандай партиявий иш усули ва услублари кўпроқ мувофиқ эканлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмасликлари ана шундай аҳволнинг вужудга келишига сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда. Партия — янги, муҳит эса анча мураккаб ва зиддиятлидир. Шундай экан, бугунги энг муҳим вазифалар нималардан иборат? Биринчи навбатда қандай ишнинг бошини тутмоқ лозим? Кўпроқ фойда келтириш учун қай тарзда ҳаракат қилиш зарур? Олдинда турган вазифалар ғоят долзарб, улар асосли жавоб ва тушунтиришларга муҳтож.

Ана шу жиҳатдан қараганда, Марказий Кенгаш биринчи котиби М. М. Расуловнинг «Ўзбекистон овози» рўзномасида босилган «Ўзбекистон ХДП фаолиятининг партия дастурий мақсадларидан, республикада қарор топган ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиқувчи устивор йўналишлари тўғрисида» сарлавҳали хати айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу хат бир қатор аксадолар, фикр-мулоҳазаларнинг туғилишига сабаб бўлди. ХДП Самарқанд вилоят кенгаши биринчи котиби С. Нишоновнинг ёзишича ушбу хат муҳим сиёсий ҳужжат бўлиб, унда кишиларни ҳаяжонлантираётган кўпгина муаммолар кўтарилган. Бу хатни партия аъзоларигина эмас, шу билан бирга аҳолининг кенг табақалари ҳам чуқур қизиқиш билан кутиб олдилар. С. Нишонов ўз фикрини ривожлантириб бораркан, республикани инқироздан олиб чиқиш йўлларини белгилаш учун партиямиз етарли кучга эга эканлигини уқдиради. Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1992—1993 йилларга мўлжалланган концепцияси қандай ишлаб чиқилаётганидан халқимиз хабардор бўлиб бориши, акс ҳолда бу нарса партиянинг навбатдаги кампанияси деб нотўғри талқин қилиниши мумкин, деб таъкидлайди. Муаллиф ушбу хатда партиянинг парламент услубида ишлаши муҳимлиги тўғрисидаги масала тўғри кўтарилган, деб ҳисоблайди ва Олий Кенгаш Раёсатида партия гуруҳининг ҳанузгача рўйхатдан ўтказилмаганлигини қандай изоҳлаш мумкин, деган саволни қўяди. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш бўйича ХДПнинг ташкилотчилик ишлари механизми шу пайтгача ишлаб чиқилмаганлигини ҳам оқлаб бўлмайди. Бу масала Марказий Кенгашнинг пленумида кўриб чиқилмоғи зарур.

Марказий Кенгаш биринчи котибининг хати Андижон вилояти партия фаоллари ўртасида ҳам қизиқиш уйғотди. Айниқса, аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш ҳақидаги таклиф кенг қўллаб-қувватланмоқда. Партия ташкилотлари ўз жамоаларида меҳнаткашлар ҳуқуқларини астойдил ҳимоя қилишлари, маъмурият билан бирга ишлаб чиқаришда барқарорликни таъминлаш ва ишловчиларни ижтимоий ҳимоялаш учун барча имкониятлардан фойдаланишлари керак. Истеъмол бозори алоҳида эътиборни талаб қилмоқда, айрим турдаги молларнинг ҳақиқий нархини белгилаш зарур. Чунки ҳозир кўп молларнинг баҳоси ўнлаб баравар кўтарилиб кетди. Андижонликлар республикани ривожлантиришнинг 1992—1993 йилларга мўлжалланган концепцияси-ни ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаб, унда энг зарур ҳамда болалар учун мўлжалланган молларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш албатта кўзда тутилмоғи лозим, деб ҳисобламоқдалар. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичларида давлат корхоналари ва бошқа корхоналарда, жамоа ва давлат хўжаликларида, фермер хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш режаларининг бажарилишини қаттиқ назорат қилиб бориш зарур эканлиги таъкидланмоқда. Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тааллуқли барча масалалар бўйича оммани кенг хабардор қилиб бориш лозимлиги тўғрисидаги фикр ғоят муҳимдир. Табиийки, андижонликлар халқ депутатлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари республика Президенти — Ўзбекистон ХДП Раисининг тутган йўлини қўллаб-қувватлашлари ва уни амалга оширишлари, ХДП кенгашлари ХДП аъзоси бўлган депутатлар билан тез-тез учрашиб туришлари ҳамда уларга ёрдам беришлари кераклиги ҳақида фикр билдириб тўғри қилганлар. Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласининг етилганлиги ҳақидаги фикр ҳам тўғри. Чунки Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунда партиянинг жамият ҳаётидаги роли жуда ҳам хира акс этган. Бунинг устига сиёсий партия ўз етакчиси ва умумхалқ сайловида сайланган Президент билан бир қаторда республикадаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳвол учун жавобгардир. Шу сабабли у қонун йўли билан етакчи, асосий партия статусига эга бўлмоғи лозим. Бу сиёсий барқарорлик учун зарурдир. Партия кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда самарали иштирок этиши; барча даражадаги раҳбарлар фаолиятига сиёсий баҳо бериш ва уларни алмаштириш юзасидан таклифлар киритиш имкониятига эга бўлмоғи керак. Андижонликлар Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда партия ташкилотларининг фаол иштироки таъминланса тўғри бўларди, деб ҳисобламоқдалар. Конституциянинг тахминий нусхаси албатта республика матбуотида босилмоғи керак.

Жиззах вилоятидан У. Носиров ёзишича унга 1992 — 1993 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепциясини тайёрлаш фикри маъқул тушган. У бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш зарурлиги ҳақидаги таклифни қувватлаш керак, зеро ҳозирги шароитда тадбиркорлик ва хусусий ташаббусни рағбатлантиришда куч ва имкониятларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас, деб қайд этади. Муаллиф Президент Фармонларининг бажарилишини назорат қилиб боришнинг таъсирчан механизмини ишлаб чиқиш масъулиятини ХДП ўз зиммасига олишини ва ушбу назорат сиёсий услублар билан амалга оширилишини мақсадга мувофиқ деб билади.

ХДП Сирдарё вилоят кенгашининг биринчи котиби С. Усмонов 1992 — 1993 йилларга мўлжалланган концепцияни ишлаб чиқишни тезлаштириш ва шу мақсадда ишчи гуруҳи тузиш зарурлигини қайд этади. Биз, деб таъкидлайди у, жиноятчилик даражаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятига баҳо берибгина қолмай жиноятчиликка қарши кураш ишида ўз иштирокимизни белгилаб олмоғимиз ҳам керак. Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун лойиҳаси юзасидан таклифлар мажмуасини тайёрлашни топшириш учун Марказий Кенгашда ишчи гуруҳи тузилса, тўғри бўларди, — деб ёзади С. Усмонов. Партия кенгашларининг ҳокимият билан ўзаро ҳамкорлиги усул ва услублари тўғрисидаги таклифлар ҳам аниқлик киритилишига муҳтож. Партиямизнинг кадрлар сиёсати концепцияси жуда ҳам зарур.

Рўзномамиз таҳририяти мана шундай мазмундаги хатларни республиканинг бошқа ҳудудларидан ҳам олмоқда. Уларнинг муаллифлари турли касб эгалари бўлган ХДП аъзолари, партия ходимларидир. Масалан, Хива шаҳар «Янги ҳаёт» маҳалласидаги ҳудудий партия ташкилоти котиби А. Машарипов Марказий Кенгаш биринчи котиби хатига ўз муносабатини билдирар экан, ҳозирги пайтда ўз мавқеини аниқ айтмайдиган партиянинг обрўси тушиб кетиши тайин, дейди. Шу сабабли ХДП ўз мавқеини янада очиқроқ ва ойдинроқ қилиб эълон қилмоғи керак. Хоразм вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов рўзномага юборган хатида жумладан, шундай деб ёзади: «Мен сиёсий партиялар тўғрисидаги қонунни қабул қилишни тезлаштириш тўғрисидаги фикрни тўла қўллаб-қувватлайман. Зеро бундай қонуннинг қабул қилиниши ишимизни янада аниқлаштириб олишга ёрдам берган бўларди».

Боғот районида ХДП аъзоларининг сони собиқ Компартияга аъзо бўлган кишилар сонидан ҳам ошиб кетди. Буни район меҳнаткашларининг Ўзбекистон ХДП Низоми ва Дастурий вазифаларини тўла тан олганлиги натижаси деб тушуниш керак. Район партия кенгашининг биринчи котиби М. Худойберганов Марказий Кенгаш биринчи котибининг рўзномада босилган хатига муносабатини билдирар-кан, ана шуларни қайд қилган. Ушбу хатда кўтарилган масалалар ҳозирги кун талабларидан келиб чиққан,— деб ёзади у. — Мен М. М. Расуловнинг ушбу мақоласини ХДПнинг мавқеи деб тушунаман. Рўзнома ана шундай мазмундаги хатларни Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент, Сурхондарё, Навоий вилоятлари партия ташкилотларидан ҳам олди. ХДП аъзолари ўз хатларида рўзномада босилган партия ҳужжатида кўтарилган масалаларни албатта амалга ошириш зарурлигини қайд этганлар, партиянинг кучи, мавқеи, жамиятдаги ўрни ва роли ана шу вазифаларнинг амалда рўёбга чиқарилиши билан белгиланади, деб таъкидлаганлар.

Хат хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборган кишиларнинг аксарият қисми кўтарилган масалаларнинг ғоят муҳим эканлигини эътиборга олиб, уни партия йиғилишларида, партия кенгашлари мажлисларида муҳокама этиш ва хат мазмунини партиянинг барча аъзоларига етказиш кераклиги, бу тадбирлардан партия сафларини мустаҳкамлаш, амалий вазифаларни бажариш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисобламоқдалар.

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

БОКУ, 28 май. (Озаринформ мухбири Натан Барский —ТАСС). Бугун Озарбайжон мустақиллиги куни, давлатчилиги қайта тикланганлиги нишонланмоқда. Республика шаҳар ва қишлоқларининг кўча-майдонлари уч рангли миллий байроқлар, шиорлар, чақириқлар билан безатилган. 74 йил муқаддам мусулмон Шарқидаги биринчи республика — Озарбайжон Демократик Республикаси эълон қилинган эди. 1918 йил 28 май куни бу ҳақда дунёнинг барча йирик сиёсий марказларига радио орқали телеграмма юборилган эди.

СЎМЛАР КУПОНГА АЙИРБОШЛАНАДИ

СИМФЕРОПОЛЬ, 28 май. (ТИА-Укринформ мухбири Лев Рябчиков —ТАСС). Бошланаётган ёзда дам олувчиларни қизиқтирувчи саволлардан бири шундай: Қримга сўм билан борса бўладими? Укринформ-ТАСС билан Таврия Ахборот Маҳкамаси (ТИА)нинг Симферополдаги бирлашган мухбирлик пункти мухбирлари бу саволни Қрим Вазирлар Кенгашининг ишлар мудири Вячеслав Гетманчукка топширишди. Унинг жавоби қуйидагича бўлди:

— Ёз мавсумида тайёрагоҳларда, темир йўл бекатларида, меҳмонхоналарда, воситачи-квартира бюроларида, банкларда, алоқа бўлимларида пулларни айирбошлайдиган пунктлар очилади. Бу ерда МДҲнинг бошқа мамлакатларидан келган кишилар сўмни купонга алмаштириб олишлари мумкин. Бу иш учун айирбошланадиган пулдан беш фоиз миқдорида ҳақ олинади. Бу хизматдан фойдаланиш учун хизмат сафарига келганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки санаторий-курорт муассасасининг маълумотномаси, шунингдек паспорт кўрсатилиши керак. Ўз ҳолича дам олишга келганлар курорт солиғи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатишлари лозим.

Бир ой учун кўпи билан 500 сўм алмаштириб берилади. Агар жўнаб кетилгунга ишлатилмаган купонлар қолса, уларни яна сўмга айирбошлаб олиш мумкин.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ

Самарқандда ҳудудий савдо-ишлаб чиқариш концерни иш бошлади. Таъсис анжуманида «Самарқанд» деб ном берилган бу янги тузилманинг низоми тасдиқланди, ташкилот кенгаши раҳбарлари сайланди.

— Бизнинг вазифамиз аҳолининг турли молларга бўлган эҳтиёжини қондириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, хилини кўпайтиришдан иборатдир, — деди концерн раисининг ўринбосари М. Павленко. — Келгусида ташқи бозорга чиқиш, ўз банкимиз ва суғурта уюшмамизни ташкил этиш ниятидамиз.

(ЎзА).

Тошкент матбаачилик комбинатининг хўжалик ҳисоби усулида фаолият кўрсатаётган «Муҳр» корхонаси ишига талаб ортиб бормоқда. Ҳозир нима кўп номини ўзгартираётган ва янги ташкилот, идора ҳамда корхона кўп. Табиийки, улар муҳрсиз фаолият кўрсатмайдилар.

Шу боис корхона кўрсатадиган хизматга буюртма берувчилар сафи кенгайиб бораяпти.

СУРАТДА: корхонанинг муҳр тайёрлаш ишларини тез, сифатли адо этишга муносиб ҳисса қўшаётган ҳарф терувчилар бригадири Қундуз Ҳакимова (ўнгда) ва меҳнат фахрийси уста Зубайда Нишонбоева.

Р. ШАРИПОВ олган сурат.

• *Энергетика имкониятлари*

ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

● Иқтисодиётдаги қийинчиликларга қарамасдан Ўзбекистон энергетика тармоқларида энергия ҳосил қилиш барқарор давом этмоқда. Бироқ яқин келажакда жумҳурият энергетика танглигига дуч келиши мумкинлиги мутахассисларни ташвишга соляпти. Шу боис, ҳозирданоқ бунинг олдини олиш ва тармоқ ривожи учун бош қотиришга тўғри келади.

Очиғи, қайта қуриш йилларида республика энергетикаси истеъмолчиларни энергия билан ишончли таъминлашда қатор қийинчиликларга дуч келди. Бу, албатта, умумиттифоқ энергетика тизими барқарор фаолият кўрсатмаслиги, эски хўжалик алоқаларининг узилиши туфайли юз берди. Ўзбекистон энергетикаси ўтган йилларда белгиланган ривожланиш дастурини тўлиқ амалга оширолмади. Бир қанча ГЭСлар, иссиқлик электр станциялари вақтида ишга туширилмади.

Бундан икки-уч йил аввал республикада аҳоли жон бошига ўртача 2700 киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилинарди. Бу, Иттифоқ ўртача кўрсаткичидан икки баравар паст кўрсаткич эди. Афсуски, бугунга келиб, аҳоли жон бошига энергия ҳосил қилиш камайса камайди-ки, лекин кўпаймасдан қолди.

Яна бир ачинарли томони шундаки, ишга туширилган қувватлар тақчиллиги шароитида энергияга бўлган эҳтиёжни асосан ускуналардан тинимсиз фойдаланиш эвазига қоплашга ҳаракат қилинди. Бу эса, табиийки, ишлаб чиқариш ускуналарининг муддатидан илгари емирилишига, резерв имкониятларининг камайишига ва энергетикада носозлик (авария) ҳолатларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Аслини олганда, энергия тизими 15 фоиз резерв қувватларга эга бўлиши керак. Бугунги кунда тармоқ амалда резерв қувватларсиз ишламоқда. Кейинги йилларда катта энергетикада ёқилғи баланси тақчиллиги ҳам юзага келди. Қўмир билан ишлайдиган иссиқлик электр станциялари лойиҳада кўрсатилган даражада ёқилғи билан таъминланмади.

Хуллас, тармоқдаги аҳвол баъзи мутахассислар ишонтирганларича кўнгилдагидек эмас. Улар эски одатлари бўйича энергия тизими ва таъминотидаги «силжиш»лар ҳақида бонг уришни хуш кўришади. Бироқ ҳозирги пайтда ютуқлардан кўра камчиликлар ҳақида бош қотириш муҳимроқ эмасми?

Менимча, тармоқ муаммоларига бир тарафлама ёндашиш ривожланишга олиб келмайди. Мол айирбошлаш йўли билан ҳам энергетика муаммосини ечиб бўлмайди. Ўтган йили мол айирбошлаш эвазига у ёки бу минтақадан ускуналар харид қилинди. Бироқ катта энергетиканинг йирик муаммолари ўз ечимини топмасдан қолаверди.

Хўш, бу муаммолар нималардан иборат? Аввало, республикада янги энергетика қувватларини ишга туширишни тезлаштириш керак. Жуда бўлмаса, энергия ҳосил қилишни аҳоли жон бошига 5600 киловатт-соатга етказиш лозим. Бунинг учун 2 мингинчи йилгача 8—9 миллион киловаттли энергетика қувватлари ишга туширилиши зарур.

Тўғрисини айтганда, республиканинг ҳозирги бюджети бундай қувватларни қуришга кетадиган сарф-харажатларни кўтара олмайди. Ўзбекистон иқтисодиёти тикланиб, мустаҳкамлангандан кейингина катта энергетиканинг йирик муаммоларини ҳал қилиш мумкин бўлади. Унгача аҳвол оғирлигича қолаверадими? Албатта, йўқ. Мураккаб вазиятдан қутилишнинг энг мақбул йўли — тармоқда кичик ва ноанъанавий энергия манбаларини жорий қилишдир.

Бозор муносабатлари шароитида бу ишни амалга оширишдан хўжалик раҳбарлари, ишбилармонлар, маҳаллий ҳокимият органлари, корхоналар меҳнат жамоалари манфаатдор бўлишлари керак. Ушбу тадбирда жумҳурият Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги бевосита қатнашиши зарур. Зотан, бугунги кунда тармоқда юзага келган муаммоларни кичик энергетикасиз ҳал қилиб бўлмайди.

Кичик ва ноанъанавий энергетика фақат экология ёки энергия ресурсларини тежаш борасидаги масалаларни ҳал қилиб қолмасдан, ўта жиддий, дейлик фавқулодда шароитларда ва бошқа қутилмаган ҳолатларда жамият хўжалик тизимининг барқарор фаолиятини таъминлашга хизмат қилади. Кичик энергетикадан кўпгина давлатларда, жумладан Хитой, АҚШ, Австрия. Францияда кенг фойдаланиб келиняпти. Бироқ ўтган даврда бизнинг мамлакатимизда энергия ҳосил қилишнинг самарали усулларига етарли эътибор берилмади.

Тўғри, табиат мўъжизаси бўлмиш ноанъанавий энергетика фойдаси ҳақида кўп гапирилди. Бироқ амалий ишдан дарак бўлмади. Эндиликда бозор муносабатлари талабларини ҳисобга олиб, муаммони ижобий ва аниқ ҳал қилиш пайти келди. Айтиш керакки, Ўзбекистонда 1,5—3 киловаттдан 1000 киловаттгача қувватга эга бўлган кичик ва мўъжаз ГЭСлар қуриш учун туганмас имкониятлар мавжуд. Масалан, ўнлаб дарё ва каналлар, минглаб гидротехника иншоотларидан шу мақсадда фойдаланса бўлади.

Кам қувватли, дейлик 1,5—3 киловаттли мўъжаз ГЭС 3—7 хонадонни, 1000 киловаттлиси эса қишлоқдаги 500 дан зиёд замонавий турар жой биноларини электр энергияси билан тўлиқ таъминлаши мумкин. Бундай энергетика тармоқлари экология жиҳатидан тоза бўлиб, арзон энергия беради. Бундан ташқари, улар қўшимча иш жойлари ташкил этишга ҳам хизмат қилади.

Жумҳуриятда қуёш энергиясидан, шамолдан, биогаздан, қор-муздан фойдаланиб ҳам шаҳар-қишлоқларни иссиқлик ва электр энергияси билан таъминлаш имкони бор.

Хуллас, табиат яратган мўъжизалардан инсоният эҳтиёжлари доирасида фойдаланиш бугунги энергетика муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради. Эндиликда кичик энергетикага талаб-таклифни аниқлаш лозим. Талабни, албатта, истеъмолчи қўяди. Лекин халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, қаерда хусусий ва жамоа хўжаликлари, маҳаллий ҳокимият органлари, ишбилармонлар бу ишга қизиқса, уни амалга оширишда фаол иштирок этса, ўша ерда кичик энергетика ривож топаверади. Масалан, Хитойда 70 мингга яқин кичик ГЭСлар 600 миллион қишлоқ аҳолисини электр энергияси билан таъминлаб турибди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасида ҳам кичик энергетика имкониятларидан фойдаланишда изланишлар бор. Дастлабки ҳисоб-китоблар кичик ва ноанъанавий энергетика истеъмолчиларга қулайликлар туғдиради, деган умид уйғонмоқда.

Ю. ШАФЕРОВ,
муҳандис.

• *Қишлоғимиз кишилари*

ДАВРА ТЎРИ УНИКИ

Ургутда шундай киши бор: ҳамма унга ҳавас қилади. Ёши ўтиб қолган бўлса ҳам тиним билмайди. Қачон қараманг савобли иш билан юрган бўлади. Қишлоқдошлари уни Камол ота, Камол бобо, дея ҳурматини жойига қўйишади. У олтмиш бешни қоралагандан кейин пенсияга чиқди. Ҳали ҳам ишлайверса бўларди. Бироқ, қараса ёш кетяпти. Энди ёшлар ишласин, деган ўй билан фермадан кетди. Меҳнат қилиб ўргаяган эмасми, тинч турмайди. Иссиқ демайди, совуқ демайди, ҳамиша бир юмуш билан овора.

Камол бобо Тайлоновнинг суяги меҳнатда қотган, десак эриш бўлмайди. У аввал ўн олти йил пахтачиликда ишлади. Кейин йигирма тўрт йил Карл Маркс номли жамоа хўжалиги фермасида меҳнат қилди. Хуллас, қирқ йил қишлоқ хўжалиги соҳасида тер тўкди. Давлатга кўп қатори наф келтирганидан мамнун, юзи ёруғ.

Кўпни кўрган, тажрибали Отахон бугун ёшларга устоз. Маслаҳатгўй. Ҳурмат-эътибори жойида. Тўй-маъракаларда давранинг тўри уники. Кўксидаги қатор орден ва медаллар эса узоқ йил қилган меҳнатининг муносиб тақдирланганлигидан нишона.

Отахон билан гурунглашиш завқли. Гап чорвачиликка келиб тақалганда, у жиддийлашди.

— Менимча, совхоз ва колхоз фермаларидаги моллари шахсий хўжаликларга бўлиб бериш керак. Шундагина гўшт ва сут етиштиришдаги аҳвол анча яхшиланарди, — деди у.

— Сабаб?

— Фермада мол кўп бўлади. Табиийки, барчасининг қандай емиш еяётгани ва сув ичаётганлигини бирдай назорат қилиш қийин. Қоларса, у ерда эрталабдан кечгача меҳнат қилган ҳам, номига кун ўтказган ҳам бир хил ҳақ олади. Манфаатдорлик бўлмагандан кейин қаров ҳам шунга яраша бўлади. Давлатники, дейди-да жон қойитгиси келмайди. Агар ана шу моллар шартнома асосида шахсий хўжаликларга берилса, аксинча оила ҳам, хўжалик ҳам фақат фойда кўрган бўлур эди. Энг муҳими, гўшт, сут кўпайиб, нархи арзонлашарди. Албатта, хўжалик ўша кишиларга ер берса, вақтида ёрдам қўлини чўзса бўлгани, Қолганини бола-чақаси билан ўзи эплайди.

Кекса чорвадорнинг нияти ҳам чакки эмас. Мол олиб боқмоқчи. Унинг сўзи билан айтганда «бекор юргандан кўра эрмак» қилмоқчи. Камол бобо шу хайрли ишнинг орқасидан юриб хўжалик катталари билан келишиб қўйган. Ўғли Қаҳрамон, қариндоши Аҳрор Нурбоев унга ёрдамчи бўлишади. Унинг нияти — холис. Элга фойдам тегса, дейди.

Камол бобо бир қиз, уч ўғилни тарбиялаб вояга етказди. Ҳозир ҳаммаси уйли-жойли бўлишган. Камол бобо фарзандлари камолини кўриб кўкси тоғдай кўтарилади. Набираларини бағрига босиб, шукур қилади.

Р. ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ

МАДАДКОР БЎЛАЙЛИК

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси сайлаб қўйилган фаолларининг икки кунлик семинари 28 май куни Тошкентда ўз ишини якунлади. «Бозор иқтисодиёти шароитида касаба уюшмаларининг фаолияти» мавзуида ўтказилган семинар ишида республика Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг, вилоят ва шаҳар кенгашларининг, тармоқ касаба уюшмаларининг, вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари, шунингдек, Италия умуммеҳнат конфедерацияси вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Б. Алламуродов мустақил давлатларнинг касаба уюшмалари ҳаракати ва жумҳуриятимиз касаба уюшмаларида рўй бераётган жараёнлар ушбу учрашувнинг бош сабаби бўлганлигини таъкидлади, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида республика касаба уюшмалари олдида турган вазифаларга тўхталди.

Семинар иштирокчилари «Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳамкорлик ва меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш», «Бозор муносабатларига ўтиш даврида меҳнаткашлар саломатлигини, уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар тўғрисида» маърузаларни тингладилар. Уларда касаба уюшмалари умумий конфедерацияси раисининг ўринбосари Н. Подшибякинанинг касаба уюшмалари вазифаларига оид маърузаси ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев нутқ сўзлади, саволларга жавоб берди.

Семинар чоғида тармоқ касаба уюшмалари вилоят комитетлари ранслариннинг Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раҳбарлари билан учрашувлари ҳам бўлиб ўтди.

Семинар ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умрзоқов қатнашди.

А. РЎЗИЕВ.

МАДАНИЙ МЕРОСНИ ЭЪЗОЗЛАЙЛИК

Фарғонада маданий меросга муносабатни тубдан яхшилаш муаммоларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларининг вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда республика ҳукуматининг маданий меросни, миллий урф-одатларни ўрганиш, муҳофаза ва тарғиб қилиш давлат дастури ҳақидаги, тарихий ёдгорликларни тиклаш ва сақлаш учун маблағ манбаларидан бири бўлган туризмни ривожлантириш тўғрисидаги қарори Фарғона водийси вилоятларида қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди, шу хусусдаги маълумотлар тингланди. Йиғилиш қатнашчилари водийда сайёҳликни ривожлантириш, ундан келадиган даромаднинг маълум қисмини ёдгорликларни таъмирлаш, улардан фойдаланиш, маданий меросни тарғиб қилиш учун сарфлаш, вилоятларнинг кутубхоналари ва аҳолига қарашли нодир қўлёзмаларни аниқлаш, уларни ўрганиш, кўп нусхада чоп этиш масалалари тўғрисида ҳам фикрлашиб олдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров ва Фарғона вилояти ҳокими Ғ. Фозилов қатнашдилар.

(ЎзА).

ДАРАХТЛАР—МЕНИНГ ҚАРИНДОШЛАРИМ

НУҚТАИ НАЗАР

ИНСОН табиат билан дўст. Табиатнинг бағри кенг, кечиримли экан. Аммо у сабр-тоқатли, сабр-тоқатнинг эса чегараси бор. Айб ўзимизда. Кўпроқ дарахт экиб, унинг олдидаги гуноҳимизни ювайлик.

Чунки дарахтлар сизнинг, менинг қариндошларимиз. Нега дейсизми?

«Бизда дарахт жонли ҳисобланади. Шундай арзанда дарахтлар борки, эгалари уларни ўз фарзандларидек кўрадилар, айрим дарахтлардан ҳатто фарзандларидан кутмайдиган хайрни кутадилар. Ота-боболаримиз бекорга: «Нафсиз ўғилдан нафли дарахт яхши»,—демаганлар.

Мен бу сатрларни ёзувчи Акрам Айлислининг «Одамлар ва дарахтлар» қиссасидан келтирдим. Шу сатрлар баҳона мен ҳам дарахтлар ҳақида фикр юритиб, хаёл суриб кетдим, дарвоқе, уларни унутишга ҳаққимиз йўқ. Ахир дарахтлар менинг қариндошларим. Жигар-пораларим-ку?!

Сабаб: мен табиат маҳсули, унинг фарзандиман. Демак, дарахтлар менинг ака-укаларим, қариндош-уруғларим. Сарасаф солсангиз улар ҳам чақалоқликдан парваришга муҳтож, парваришни ёқтиради, ўсади, улғаяди: вояга етади, кексаяди, нафас олади. Силкинади, тебранади, нозиги, пишиғи бор. Касал бўлади. Бир-бирлари билан шивирлаб гаплашади, фақат ўз тилларида.

Ёвуз ниятли киши инсонга пичоқ кўтарса, ўқталса, одам не кўйга тушади. Унинг ҳолатини бир кўз олдингизга келтиринг-а. Дарахт ҳимоясиз. Биров болта кўтарса, дарахтнинг вужуди, бутун бадани титрайди, қақшайди. Ён шохлари — фарзандлари оналарига маҳкамроқ ёпишади. Чунки у жонли, бизнинг авлодимиз.

Беҳаҳм қўл, бемаврид болта урса худди инсонга ўхшаб фарёд чекади. Наъра тортиб йиқилади. Жароҳатланган жойидан аламли кўз ёшлари тўкилади. Унинг бемаҳал тўкилган кўз ёшларини кўрсам менинг ҳам жигарбаврим эзилади. Унга раҳмим келади. Дардига малҳам қўйсам дейман. Ёрдамга шошаман. Биз бир-биримизга ҳамроҳмиз, яхши-ёмон кунларимизда бир-биримизга асқотамиз. Совқотганимда у мени, бола-чақамни иситади. Бешигим, столим, стулим, каравотим, бошимдаги бошпанам ундан. У мени доривор мевалар билан боқади. Кўпгина касалликлардан асрайди, тўйдиради.

Ҳафсала, меҳр-муҳаббат билан бир туп дарахт ўтқазган кишини янги фарзанд кўрган кишига қиёслагим келади. Чунки турли касалликлар, совуқ шамол-довуллардан асраб, авайлаб, меҳр-шафқат билан ўстирган, вояга етказган дарахт билан ўша кишининг номи абадийлашса, ажабмас. Бу қуруқ гапмас. Шаҳар ва қишлоқларимизда, хўжаликларда «фалончининг боғи» деган гапларни эштамиз. Илгари одамлар фақат бир туп дарахт ўтқазибгина қолмай, балки, бутун-бутун боғларни барпо этишган. Бу эса ота-боболаримиз, аждодларимиз учун одат бўлган. Улар бу ишларга фақат манфаатдорлик нуқтаи назаридан ёндашишмаган. Балки дарахтга нисбатан бўлган меҳр-муҳаббат, табиатга садоқат ҳамдир.

Ягона мисол. Андижон вилоят партия комитетининг собиқ биринчи котиби, марҳум Ашур Ҳайдаровнинг бир гапи ёдимдан чиқмайди. Унинг ҳовлисидаги бир тупми — икки тупми узумга қадрдонларидан бири юборган бир чол қараб юраркан. Баҳорда узумни чиқариб, хомток қилиб, кузда кесиб кўмиб кетаркан. Ашур ака ишдан бўшагач, ҳалиги чолга дангалини айтибди.

— Отахон, энди мен котиб эмасман, бўшадим. Бундан буёғига келманг.

Ота таажжубдан жавоб қилибди.

— Сен обком котибимидинг. Мен сенинг нима иш қилишингни билмас эдим. Сен обком котибимисан, ишчимисан, менга барибир. Мен фақат шу узумга раҳмим келганидан келяпман, холос. Бундан кейин ҳам мен сен билан эмас, узум билан гаплашаман, — деб ишга уннаб кетибди.

Одамнинг дарахтга бўлган муҳаббатини кўрдингизми? Ҳа, дарахт билан, табиат билан чинакам дўстлашган инсон унинг тақдирига бефарқ қараб туролмайди. Бу дўстликдан шундай маънавий завқ оладики, унинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Хўжаобод ноҳиясида серфарзанд бир этикдўз бўларди. Унинг ҳовлисида келинбармоқ, ҳусайни, чилги, Андижон қораси, кишмиш каби узум ва ўрикнинг ҳамма туридан бўларди. Олтмишинчи йилларда ҳар бир дарахтга солиқ солинди. Этикдўзнинг уйига ҳам молия бўлими ходимлари қаторлашиб кириб келишди. Узум, ўрик, бошқа дарахтларни санашди. Ҳар туп дарахтга, жами шунча солиқ тўлайсиз, деб талаб қилишди. Рўзғорни аранг тебратиб турган этикдўзнинг чекка томирлари бўртиб чиқди. Бир қозонга, бир дарахтга қаради. Агентларнинг кўз олдида болта билан узум-у, ўрикларни кесиб ташлади. Солиқни шу дарахтларнинг ўзларидан олинглар, қутилдимми? — деди.

Кўр-кўрона қарор, шароит шунга мажбур қилган эди. Кошкийди бундай халқ, эл-юрт манфаатларига зид қарорлар ягона бўлса. Ичкиликка қарши кураш бошланганда мингминг гектарлаб майдонлардаги узумзорлар йўқ қилинганини эсласанг юрагинг эзилиб кетади. Бу фарзанд ўстирган одамга жарима солгандек гап-ку. Хизматга туҳмат шунчалик бўлар.

Мевали дарахтларга қарши кишилар ҳам топилди. Минбардан кўчаларга мевали дарахтлар, масалан, ўрик, шафтоли экишнинг фойдасидан зарари кўпроқ. Тўкилган ўриклар асфальтларни сарғайтириб юборади. Бу санитария қоидаларига тўғри келмайди, — деганларнинг нутқларини эшитганмиз. Шундан кейин мевали дарахтларга ҳужум бошланди. Бу овқатланиб бўлиб, дастурхонни ўтга ташлаб, ёндириш эмасми?

Бу-ку, илгариги гаплар.

Ўша, «асфальтларни сарғайтириб юборадиган, санитария қоидаларига тўғри келмайдиган» ўрик қоқининг килоси бугун бозорда неча сўмлигини айтишга юрак дов бермайди. Чет элларда эса ўрик шифобахш дори ўрнида дорихоналарда доналаб сотилишини бугун ҳамма билади.

Химолай тоғларида Кашмирнинг Хитой билан чегарадош жойида Ҳунза райони бор. Бу ерда бурушка халқи яшайди. Улар дунёда энг бақувват ва соғлом, камдан-кам касал бўлишади. Бу ҳол Бирлашган Миллатлар Ташкилотини қизиқтириб қолди. БМТ вакиллари синчиклаб ўрганиш натижасида бурушкаларнинг узоқ умр кўриши, камдан-кам касалликка чалинишининг сабаби уларнинг кўп миқдорда ўрик истеъмол қилишлари билан боғлиқ эканлигини аниқлашди. Бу вилоят турли нав ўриклар билан қопланган. Ўрик бу ерда одамларнинг нони ҳисобланади. Мағизидан ҳам турли таомлар пиширишади. Бурушкаларнинг кундалик истеъмол қиладиган озиқ-овқати ҳажмининг тахминан 70 фоизи ўрик маҳсулотларидан.

Биз кўп нарсани кеч тушунамиз. Бир сиқим пахтанинг қули бўлгандан қанчадан-қанча раҳбарлар ҳар йили тонна-тонналаб мева бериб турган, бизни кислород билан таъминлаётган, юртимиз кўркига кўрк қўшаётган дарахтларга болта уришди. Мевали дарахтга болта кўтариш онага қўл кўтариш билан баровар. Хўжаобод ноҳиясининг Қоратант қишлоғидаги узумзорлар йўқ қилинганлиги, Тошотага олиб борадиган йўлнинг икки томонидаги қатор мевали дарахтларнинг бераҳмларча кесиб юборилганлиги бунга мисол. Кесилган дарахтлар чала пишган меваларининг ер билан битта бўлиб ётгани ҳамон қишлоқ аҳлининг кўз ўнгидан кетмайди.

«Ўзбекистон» колхозининг ажойиб табиий кўли бўларди. Кўл дарахтлар билан қопланган. Атрофида шолипоялар. Колхозчилар ҳар йили қанчадан-қанча гуручли бўларди. Ўш, Андижон шаҳарларидан одамлар чиқиб балиқ тутишар, оила аъзолари билан чодир тикиб, тунаб қолишар, ҳордиқ чиқаришарди. Байрамларда ярмарка, сайил-томошалар бўларди. Оёғи остидан нарини кўра олмайдиган райком котибининг буйруғи билан шундай кўл, унинг атрофидаги дов-дарахтлар йўқ қилинди. Текислаб, ўрнига пахта экилди. Бу ердан пахта умид қилиш, хўроздан тухум талаб қилиш билан тенг. Аммо биров бет келиб, унга гап қайтара олмади. Чунки, у юқоридаги раҳбарларнинг қутурган эркаси эди. Унинг айтгани-айтган, дегани деган. Колхозчилар неча йиллаб шоли экишдан маҳрум бўлишди. Котиб бу ишларни қон-қонига сингиб кетган қўшиб ёзишлар орқали план бажариш, пахта сотиб олиш, пора олиш, пора бериш каби айбларини ниқоблаш учун қилганди.

Хайрият, инсофли раҳбарлар кўлни қайта тиклашди. Ҳозир ҳашар йўли билан ўн тўрт гектарлик дам олиш зонаси барпо қилинди. Қатағон йилларида фақат бегуноҳ одамларгина эмас, қанчадан-қанча гуноҳсиз боғ-роғлар ҳам қатағон қилинганини эсласанг, кишининг юрак-бағри эзилиб кетади. Табиатга нисбатан бундай раҳмсизлик ҳеч қачон, ҳеч бир юртда бўлган эмас.

Ҳа, бугун бўлмаса эртага уларни дарахтларнинг бемаврид тўкилган кўз ёшлари тутади. Бу табиат қонуни, ҳисобли дунё дейдилар-ку, ахир!

Бизда тераклларнинг 80 тури ўсади. Улар ўринли жойга экилса, яхшилаб парваришланса, одамларимиз ёғоч-тахта излаб Россия шаҳарларига кетмас эди. Чунки бизнинг шароитимизда тераклар йилига 5—6 метргача ўсади. Кишиларни уй-жой билан тўлиқ таъминлаш, ана шу мақсадда кўплаб участкалар берилган ҳозирги пайтда бу жуда муҳим. Юртимизда ҳар йили миллион-миллион дарахт, гул кўчатлари экилди, деган маълумотлар эълон қилинади. Киши бошига нечтадан дарахт тўғри келиши ҳақида рўйхат ҳам олинади. Афсуски, биз шу рўйхатга ҳам кўшиб ёзамиз. Чунки бизда қоғозга «экилган» дарахтлар кўп.

Андижон шаҳар кўчалари, касалхоналар, ташкилот, муассасалар ҳудудларига мевали дарахтлар экишга қарор қилинганда ҳамма хурсанд бўлган. Афсуски, ҳозир яна мевасиз дарахтлар экиляпти. Мевали, мевасиз дарахтларни ўрни-ўрнига экиш мақсадга мувофиқ.

Андижон вилоятида 1 миллион 750 минг аҳоли яшаркан. Қани энди шулар бир-икки тупдан дарахт экса. Шаҳримиз боғ-роғларга бурканиб жаннатмакон бўлиб кетмасмиди. Андижонликлар ориятли халқ. Шундай қилишса ажабмас.

Тўхташ АШУРОВ.

Фарғона вилоятида пилла топшириш давом этмоқда. Ушбу суратда иккинчи Фарғона ипак йигирув заводи агрономи Ҳ. Собирова (чапда), Қ. Кенжаев номли жамоа хўжалиги пиллакори Т. Қосимова ва завод агрономи Г. Мўйдиновалар пилла сифатини кўздан кечиришмоқда.

М. САНГИНОВ олган сурат.

• *Ота-боболар касбини ардоқлаб*

КИТОБ БЕҚАСАМИ

Ҳар музофотнинг ўзига хос қадимий ҳунармандчилиги бўлади. Китоблик ҳунармандлар тўқиётган оддий беқасам, кулолчилик буюмлари ҳам шу юртнинг довруғини таратмоқда. Аждодлар оша ота-боболардан мерос қолган бу ҳунарларни халқ истеъмол буюмлари фабрикаси жамоаси ардоқлаб келмоқда.

Кулоллар тайёрлаган гултуваклар, коса, чойнак, тўйтовоқ, кўза, хум, шамдон кишини лол қолдиради. Лой, сув ва оловдан нафис, бежирим гўзал идишлар ярата олган Ҳамдам Ғаниев бошлиқ кулолчилик цехининг Қўзи Зиёдов, Муҳаббат Носирова, Баҳром Қурбонов, Олия Орипова каби ишчилари ота-боболарнинг минг йиллик касбини такомиллаштириб келмоқдалар.

Китоб беқасами Бухоро амирлиги давридаёқ аҳоли эътиборини тортган, дейишади. Ишлаб чиқарилган сержило матолар Афғонистон орқали жаҳон бозорига етказилган деган гапларга гувоҳлар бор.

Беқасам эски дастгоҳларда тўқилмоқда. Бунинг ўзига хос хусусияти бор. Бу ерлик косиблар ҳар қандай устивор техникадан ота-боболардан қолган қадимий дастгоҳларни афзал биладилар. Ҳозир фабриканинг беқасам тўқиш цехида 1200 та дастгоҳ ишлаб турибди. Бир кунда 2 минг 100 метр беқасам тўқилаяпти. Минг йиллардан буён ишлатилиб келаётган дастгоҳларни Хушвақт Аҳмедов, Аҳад Халилов, Қурбон Шарипов, Ҳадича Жўраева, Назокат Маҳмудова, Зуҳра Ғафурова сингари моҳир тўқувчилар бошқаришмоқда, улар ўз касбларини улуғлашмоқда.

Фабрикада маҳаллий ҳунармандчилик ҳозир кенг ривожланмоқда. Жамоага ХДП аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Бурхон Қурбонов раҳбарлик қилиб келаётир. У ишбилармонлиги, тиниб-тинчимаслиги билан катта обрў орттирди. Елиб-югуриб корхона ишини яхшилаб боришга эришмоқда.

— Корхонада ҳозир 13 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаяпмиз, — дейди фабрика директори. — Ишчиларимизнинг ойлик маоши 900—1000 сўмга етди. Йил охирида ишга идиш тайёрлайдиган цех ишга туширилади. Шу тарика қўшимча 120 киши иш жойи билан таъминланади. Цех йилига 2 миллион сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарадиган бўлади.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Хом ашё таъминотида қийинчиликларга дуч келаяпмиз. «Ўзинг учун ўл етим» деганларидек, Ўзбекистон Маҳаллий саноат вазирлигига қарашли халқ бадиий ҳунармандчилиги республика саноат-савдо бирлашмаси раҳбарлари (бош директори Мирзо Алиқулов) хом ашё таъминотида «ўзинг югур, ўзинг топ» қабилида иш тутишаяпти. Ип калава билан бор-йўғи 20 фоиз таъминланаяпмиз. Мол айирбошлаш усулида хом ашё топиб, корхонани тебратиб турибмиз.

Ҳа, китоблик ҳунармандлар бор имкониятни ишга солиб маҳсулот тайёрлаш суръатини тезлаштиришяпти. Муҳими, бу борада ривожланиш сари юз тутилди. Шу йўл ҳунармандлар косасини оқартиради.

М. ҚАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Президент Фармони—эл дармони*

ИЧИМЛИК СУВ КЕЛДИ

● Сирдарё вилояти маркази Гулистон шаҳар бўлибдики, унинг аҳолиси ичимлик сувдан қийналарди. Сўнггги йилларда бу ташвиш, айниқса, одамларни қаттиқ қийнамоқда эди. Бунга сабаб, бир тарафдан, ўзанда ичимлик сув камайиб бораётгани бўлса, иккинчидан, сувнинг сифати талабга жавоб бермасди.

НИҲОЯТ, бир неча йил мўқаддам азим Сирдарё бўйига жойлашган Сайхунобод районидаги «СССР 50 йиллиги» шоличилик давлат ҳўжалиги ҳудудида ғоят катта ер ости чучук сув манбаи борлиги маълум бўлди. Республика ҳукумати, шахсан Президентимиз И. Каримовнинг эътибори туфайли шу чучук сувдан вилоятнинг Гулистон, Янгиер шаҳарлари ва бошқа қатор қўриқ районлари аҳолисини баҳраманд этиш йўлида бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди.

Бу борада дастлабки марра эгалланди. Крестянск-Гулистон-Янгиер сув иншоотининг биринчи босқичи — 30 километрли Крестянск-Гулистон участкасида ускуналарни синаш ишлари бошлаб юборилди. Бошқача қилиб айтганда, ер остидаги зилол сув денгизи Гулистон сари оқа бошлади.

Вилоят «Водоканал» — ичимлик сув тармоқлари бошқармасининг бошлиғи Ш. Расуловнинг таъкидлашича, ҳозир ҳар кеча-кундузда Гулистон йўналишига 15 минг куб метр ҳажмда сув оқизилмоқда. Узоғи билан беш-олти ойда сув узатиш икки баравар кўпаяди. Лекин бу ҳам хамир учидан патир. Негаки, айни пайтда шу сув тармоғининг иккинчи навбати лойиҳалаштирилмоқда. Гулистон билан Янгиер шаҳарлари оралиғида эса қувур ётқизиш ишлари қизғин давом этяпти.

Сув келтириш ишлари бу қадар тез ва жадал амалга оширилишининг бош сабабларидан бири республикамиз ҳукуматининг бу масалага алоҳида эътибор билан қараётганидир. Аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш борасидаги фармоннинг амалга оширилиши шаҳарларнигина эмас, балки яқин келажакда вилоятдаги қатор қўриқ районларнинг ҳам тоза сувдан баҳраманд бўлишига имкон яратади. Дарё остидан топилган зилол сув денгизи бунинг учун тўла кафолат беради.

Вилоятдаги ичимлик сув иншоотлари қурилишида бунёдкорлик ташкилотлари фаол иштирок этмоқдалар. Улар орасида «Средазнефтегазстрой», Навоий вилоятидаги «Югпроммонтаж», Сирдарёнинг «Голодностепстрой» трестлари ва бирлашмалари ҳам бор. Қурувчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли сўнгги икки йилда Крестянск-Гулистон участкасида 30 миллион сўмлик иш бажарилди. Биринчи навбатга тегишли объектларда яна 12 миллион сўмлик иш адо этилади. Синаш-созлаш ишлари муваффақиятли ўтгач, ер ости зилол суви аҳоли хонадонларига кириб боради.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Янгиликдан хабарингиз борми?*

● Жумҳуриятимиз мустақилликка эришгач, собиқ Иттифоқ томонидан зўрлик билан боғланган турли алоқалар чок-чокидан сўкилиб кетди. Натижада бошқа Ҳамдўстлик мамлакатлари қатори Узбекистон халқи ҳам иқтисодий танглик гирдобига дучор бўлди.

Президентимиз ва ҳукумат ана шу қийинчиликдан чиқиш, халқимизни тўқ-фаровон, бадавлат яшаши учун жон куйдирмоқдалар. Чет эллик ишбилармонлар, бизнесмейлар, банкирлар билан алоқаларни кенгайтиришга ҳаракат қилинаётир. Улар бизнинг оёққа туриб олишимизга бажонидил ёрдам беришга тайёрликларини билдиришяпти.

ИШБИЛАРМОНГА ТЎСИҚ ЭМАС, ЙЎРИҚ КЕРАК

АММО фақат уларнинг кўмагига кўз тикиш билангина иш битмайди. Ўзимиздаги ишбилармонларга таяниб уларга кўмак бериш лозим.

Хонобод (илгариги Советобод)лик Рустамжон Усмонов фаолиятини олайлик. Йўқдан бор қилиб пул топадиган ишбирармон бу йигитни тўралар не-не балоларга дучор қилишмади.

Лекин у тақдирга тан бериб, қўл силтаб кетадиганлардан эмас. Ҳақлигини исботлаш учун елиб-югуряпти. Исботлаяпти ҳам. Исботлабгина қолмай, муҳим, фойдали ишларга қўл урмоқда.

ТОҚҚА ЧИҚҚАН ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАР

Рустамжоннинг ҳаракати туфайли ўзи тузган ширкат қисқа муддатда иқтисодий бақувват хўжаликка айланди. Миллион-миллион фойда кўрилди. Даромад борган сари ортиб бормоқда. Яқинда Р. Усмоновда ана шулардан Ўзбекистон равнақи учун кенг фойдаланиш фикри туғилди. Жумҳурият Президенти ёрдами билан нафақат республикада балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ягона бўлган хусусий «Рустамбанк» очилди. У универсал тижорат банки бўлиб, даставвал устав фонди 150 миллион сўмни ташкил этади.

— Ҳозир жумҳуриятимизда турли биржалар, акционерлик жамиятлари ва бошқа тижорат муассасалари тобора кўпайиб боряпти. Шундай шароитда сиз ташкил этган хусусий банкнинг мақсад вазифалари, унинг афзалликлари нимада, — деб берган саволимизга у шундай деб жавоб берди:

— Ҳозир дунёдаги ҳар бир ривожланган давлатда хусусий банклар фаолият кўрсатяпти. Улар давлат муассасалари билан очиқ-ойдин рақобатлашадилар. Бунда кимнинг қўли устун келса яшайди. Ёки аксинча.

Бизда эса, ҳозирча банк системаси давлат тасарруфида. Шунинг учун уларнинг тўрачилик иш услубидан тижорат корхоналари азият чекишяпти. Қанотини кенг ёзолмаяпти. Бундан ишбилармонларгина эмас, балки аҳоли ҳам зарар кўраётир. Боз устига банк системасидаги тўрачилик туфайли унга чет эллик ишбилармонлар ишонишмаяпти.

Мен ташкил этган банк бутунлай бошқа йўлдан боради. У Саудия Арабистонида Шайх Солиҳ Абдуллоҳ Камол бошлиқ «Даллоҳ ал Барака» тижорат банки иш услубини ўзига мезон қилиб олган.

Шу ўринда «Даллоҳ ал Барака» тижорат банки иш услуби ҳақида икки оғиз сўз. Бу банк фаолиятида ислом қоидалари ҳам ўз аксини топган. Яъни банк одамларга, хўжалик, корхона, муассаса ва бошқа ташкилотларга пул бериб, унинг эвазига процент олмайди. Чунки процент ҳисобига пул бериш исломда энг оғир гуноҳлардан бири ҳисобланади.

«Рустамбанк» жамоалар билан бир қаторда хусусий кишилар билан ҳам ҳамкорлик қилишга тайёр. Ҳозир давлат жамғарма банкига пул қўйган одамларга жуда оз миқдорда дивидент берилади. Ў уч фоиздан нари борса ўн фоизгача. «Рустамбанк» ишлар юришиб кетгунича, яъни пул қўйганларга вақтинча йилига 25-30 фоиз дивидент тўлашга кафолат беради. Кейинчалик маблағи, фойдаси ортиши билан дивидент эллик ҳатто юз фоизга ортиши мумкин.

Аммо муштарийда банк берган пули учун маълум процент ҳисобида пул олмаса, бунинг устига жамғармачиларга юқори дивидент билан ҳақ тўласа, у тез орада хонавайрон бўлмайдими, деган савол ҳам туғилиши мумкин.

Бунга Рустамжон Усмонов қуйидагича жавоб беради:

— Дарҳақиқат, юзаки олиб қараганда одамларда ҳар хил фикр туғилиши мумкин. Бироқ биз бошқача йўл тутамиз. Аввалам-бор, биз истиқболли ишларга қўл урамиз. Айтайлик, бирор корхона ёки ташкилот айни пайтда пулга жуда муҳтож. Агар шу пулни олса, маълум муддатдан кейин ишлари юришиб кетиши мумкин.

Банкимиз мутахассислари билан пул зарур бўлган жамоа раҳбар, мутахассислари аҳволни ва истиқболни чуқур, ишончли манбалар, таҳлиллар ёрдамида ўрганадилар. Агар корхонада биз берган пул ёрдамида аҳвол ўзгариб, фойда олишга асос бўлса, фоиз тўламаслик шарти билан маълум муддатга керакли пулни берамиз. Кейинчалик олинган фойданинг келишилган қисми бизники бўлади.

Бунга кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, бирор ерда илм-фанда яратилган янгиликни қўлланиш катта фойда бериши мумкин. Аммо кашфиётни ҳаётга татбиқ этиш учун маблағ зарур. Фақат маблағгина эмас, бу борада чет эл ускуналари, техникаси ҳам керак бўлади.

Биз фойдали иш учун пул бериш билан бирга ўша керакли нарсаларни топишга ва ўрнатишга кўмаклашишимиз мумкин. Ҳозир яхши ихтиролар кўп. Маблағ йўқлиги учун у қоғозда қолиб, эскиряпти. Биз уларнинг тезда ҳаётга йўлланма олиб, аҳолига фаровонлик келтириши тарафдоримиз. Шунинг учун ҳам бошқа банклардан фарқимиз шуки, биз пул билан таъминланган ишнинг фойдали бўлишидан манфаатдормиз. Зарур бўлса, фойда учун курашамиз. Кўпчилик бошқа банклар эса юқори фоиз ҳисобига пул берадилар-у у ёғи билан ишлари бўлмайди. Ўрнини билиб ишлатилмаган маблағ зарар ҳам келтиради.

Банкнинг иш фаолияти ва режалари билан танишиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, у фақат илм-фан ютуқларини жорий этишгагина эмас, балки фермерларга, давлат ва жамоа хўжаликларига имтиёзли пул билан ёрдам бериши мумкин. Масалан, фермерларга, хўжаликларга юқори наслли моллар, чет эл техникаси, самарали ўғитлар сотиб олишга, улардан кўнгилдагидек фойдаланишга ҳар томонлама ёрдам беради.

ХИЗМАТГА ТАЙЁР!

ЖАҲОН ТАЖРИБАСИДАН ФОЙДАЛАНИБ

«Рустамбанк» таъсисчиси жаҳон банк системасида тўпланган энг яхши тажрибаларни қўлланиш тарафдори. Шу мақсадда Саудия Арабистонидаги «Даллоҳ ал Барака» ва Югославиядаги йирик «Ака-ука Каричлар» тижорат банклари билан ҳамкорлик ҳақида битимлар тузди. Бу банкларнинг дунёнинг турли ерларида филиаллари ва шериклари бор. Демак «Рустамбанк» бундан буён жаҳон миқёсида иш олиб боради. Югославия банки Оксфорд университети билан яқин ҳамкорликда ишлайди. «Рустамбанк» «Ака-ука Каричлар» банки билан Тошкентда тижорат асосида бизнесменларни тайёрлайди. Ўқишни битирганлар халқаро нусхадаги дипломларни оладилар. Шунингдек, Р. Усмонов бошлиқ жамоа хорижлик шериклар билан суғурта ва қурилиш бўлимлари тузади.

«Рустамбанк» ходимлари кеча-кундуз узлуксиз хизмат кўрсатишади. Мижозлар ўз иш жойларида туриб ҳоҳлаган пайтда банк билан телефакс орқали ҳисоб-китоб қилишлари мумкин. Телефаксларни ўрнатишда хусусий банк ёрдам беради. Айрим ҳолларда у «Рустамбанк» ҳисобига амалга оширилади.

Бундан ташқари ишда компьютер системасидан кенг фойдаланилади. Компьютерлар давлат банкларида ҳали қўлланилмаяпти. Мижозларга кредит бериш почта хизматисиз Ўзбекистондаги ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги курьерлар орқали амалга оширилади. Қарабсизки, икки-уч кунда муаммога ўрин қолмайди.

«Рустамбанк»нинг диққатга сазовор ишларидан бири бу ерда мижозлар сирини сақлашнинг Швейцария системаси жорий этилганидир. Бу сир фақат мижознинг розилиги билангина ошкора қилиниши мумкин. Банкда шахсий сейфлар ўрнатилади.

Кўриниб турибдики, «Рустамбанк» жаҳондаги машҳур банклар йўлидан боряпти. Бу, ўз-ўзидан чет эл капитали эътиборини тортиши мумкин. Чунки чет элда шахсий банкларга ишонч катта. Шунинг учун ҳам жумҳуриятимиздаги биринчи ва ягона хусусий банк билан ҳамкорлик қилишни истовчилар тобора кўпайиб бормоқда. «Рустамбанк» хизматингизга тайёр!

Каримжон РИХСИЕВ.

БАХРАЙН—ҚОЗОҒИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН

АМИРНИНГ ШАХСИЙ МАКТУБЛАРИ

АБУ-ДАБИ, 28 май (РАТА-ТАСС мухбири Виктор Лебедев). Бахрайн Қозоғистон ва Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатларни ривожлантирмоқда ва янада мустаҳкамлашни мўлжалламоқда. Форс кўрфазидаги Оролда жойлашган мана шу давлатнинг Валиаҳд Шаҳзодаси девонининг, Ташқи ишлар, Тараққиёт ва саноат вазирликларининг вакилларидан иборат делегация Манамадан Олмаотага жўнаб кетди. Делегация Тошкентга ҳам келади.

Делегацияга бошчилик қилаётган Бахрайннинг Саудия Арабистонидаги элчиси Шайх Исо бин Муҳаммад ал Ҳалифа Қозоғистон Президенти Назарбоевга ва Ўзбекистон Президенти Каримовга Бахрайн амири Шайх Исо бин Салмон ал Ҳалифанинг шахсий мактубларини топширади.

СПОРТ

ЙИРИК ҲИСОБЛАР

● ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 13-тур ўйинларига якун ясалди.

Мустақил республиканинг дастлабки миллий биринчилиги ғолиби бўлиш учун кураш тобора қизғин ва муросасиз баҳсга айланмоқда. Мустақиллик чемпионатининг совриндорлари сафида бўлишга даъвогарлар эса кам эмас. Шу кунларда кучли олтиликдан жой олиб турган жамоалардан бирини биринчи чемпион бўлади, деб тахмин қилиш мумкин. Муҳими жамоалар чемпионатнинг биринчи даврасини муваффақиятли якунлаб, довон ошишга ҳаракат қилишмоқда.

Навбатдаги тур ўйинларида эса асосан майдон эгалари ғалаба қозонишди ва иккита йирик ҳисоб қайд этилди. Чунончи, Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари янгиерликларни қабул қилиб, дарвозага олтита жавобсиз тўп киритишди. Тўплардан тўрттасини Дўрмонов дарвозага йўллаган бўлса, Тихонов билан Роткович биттадан тўп эгаси бўлишди. Бу ғалабадан кейин фарғоналиклар ягона пешқадам бўлиб қолдилар. Пахтакорчилар ҳам мавқеларини мустаҳкамлашди. Улар сурхончиларни қабул қилишди. 24-минутда И. Вольков, 45-минутда И. Шарипов (11 метрли жарима), 65-минутда яна И. Вольков ва ниҳоят ўйин тугаши олдидан Э. Назаровлар дарвозани ишғол этдилар. 11 метрли жарима тўпи шунингдек, «Темирйўлчи» — «Сўғдиёна» жамоалари ўйинида ҳам дарвозага йўлланди. Тўпни мезбонлардан Р. Абдуллаев киритди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: «Пахтакор-79» — «Нурафшон» — 0:1, «Орол» — «Навбаҳор» — 1:0, «Шаҳрихончи» — «Мароқанд» — 2:0, «Косонсойчи» — «Кимёгар» — 2:0, «Чирчиқ» — «Трактор» — 1:2.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ю	Д	М	Т	О
Нефтчи	8	1	2	23-6	17
Нурафшон	6	5	1	16-8	17
Сўғдиёна	8	0	3	16-7	16
Пахтакор	7	2	2	22-8	16
Темирйўлчи	6	3	3	15-7	15
Навбаҳор	5	5	3	16-9	15
Косонсойчи	6	1	5	15-10	13
Наврўз	4	5	3	16-15	13
Мароқанд	4	3	5	14-18	11
Трактор	5	1	6	13-18	11
Чирчиқ	4	1	7	14-18	9
Кимёгар	3	3	5	10-16	9
Шаҳрихончи	2	5	4	8-16	9
Пахтакор-79	3	2	6	11-20	8
Орол	3	2	6	8-12	8
Сурхон	0	6	6	8-20	6
Янгиер	2	1	9	9-24	5

● ХАЛҚ АЁЛДАН БОШЛАНАДИ ●

КЎНГИЛ ЧИРОҚЛАРИ

● Илло, ўзбек қизлари, келин-келинойилар, оддий заҳматкашлар ёки зиёли ходималар, қўйингчи, барча рисоладаги аёллар нафақат назокат мулкининг маликалари, балки жамият ва шахс ҳаётида муайян уйғунлик, маънавий мувозанат мезони, аниқроғи, унинг олтин шайинидирлар. Улар—кимдир муродига етган, кимдир орзудаги бахт-иқбол, хайр-барака, файзу орасталик кошонасининг меъмори ва соҳибаси, оилавий соғломлик доруш-шифосининг ҳозиқи табиби, миллат келажаги — асл зурриётининг сабабкору мураббиялари. Бугина эмас. Қомрон хонадонларнинг кўнгил чироқлари, ақл чароғбонлари.

Ҳақиқий ўзбек қиз-жувонларининг хоҳ уйда, тўй-маъракада, меҳмонда бўлсин, хоҳ маҳалла-кўй, ишхона ё жамоат орасида бўлсин қиёфаси, одоби, сабр-андишаси, дид-фаросати, айтган сўзи-ю қилган ҳаракати, хулласи калом сувратию сийрати меҳр-шафқат, саховат сабоғидир.

Қуръони карим оятларида, жаноби пайғамларимизнинг Ҳадиси шарифларида қиз бола, аҳли аёл ва она шаънига айтилган муқаддас каломлар улуғ шоирларга илҳому рағбат бағишлаган. Чунончи, Навоий ҳазратлари ҳадисларга шеърий шарҳлар бағишлар эканлар, хусусан онани шарафлаб, жаннат эшиги уларнинг оёқлари остидадир, дейдиларки бу муборак ҳикматни ҳар бир мусулмон фарзанди саловату истиғфор ўринда ҳар куни такрорласа, ёдга олса арзийди. Доҳий шоиримиз комилу солим (соғлом) фикрли ҳар бир кишининг биринчи галда қадрланишга лойиқ сифатларидан Ватан ва аёл олдидаги фуқаролик ҳамда инсонлик бурчини алоҳида қайд этади.

Аёлу ватан узра то жони бор,
Кишн ҳарб этар токи имкони бор.

Эътибор беринг: аёлга бўлган муносабат ватанга муносабат билан тенг маъно ва қимматга эга. Чиндан ҳам «аёлу ватан» деб бир умр қайғуриб, заҳмат чекиб, турли монеликларга қарши курашиб яшаган, шу қутлуғ пайваста каломни бамисоли оятдек ихлос билан зикр этган, руҳга мадад, дилга зиё деб билган эр йигитнинг бошқа яхши сифатларни тасарруф этишига шубҳаланмаса (демак, ундан ёмонлик кутмаса) бўлади. Не ажабки, улуғ Навоийдан илҳом олганига шубҳамиз йўқ, истеъдодли шоир Мирза Кенжабек ҳам ўзининг эътиқод ва эътимодини шундай ифодалайди.

Ўлсанг, бу дунёда
увол кетмас жон,
Фақат аёл учун,
фақат юрт учун.

Ey икки байтнинг ўзиёқ аёл номи, аёлнинг бенисбат иззат-икроми, эътибори, эъзози халқнинг тасаввур ва тафаккурида ҳамиша баланд тутилганидан далолат беради. Бас, муқаддаслик мезонида ёлғиз Ватан билан ёнма-ён қўйиб баҳоланадиган аёллик шаъни ва номусини, унинг бошқа нисбат билан қиёслаб бўлмайдиган юксак қадр-қимматини, айниқса замондош қизлар, ёш келинлар тийрак идрок қилишлари лозимдир.

Ўзбек қизлари, келин-келинойилари ҳуснини зиёда қилувчи, уларга ажаб тароват, жозиба, латифлик бахш этувчи табиий-миллий шарқона ороланиш, тузаниш воситалари, усуллари ўрнига на дидни, меъёрни, на аёллик назокати ва пардасини писанд қилмайдиган сунъий, бегона-совуқ ғарб косметикаси бўёқлари, пардоз усуллари ёлғони... Навоийлар, Бобурлар илоҳий ва дунёвий суратини чизган Хуросону Туркистоннинг соҳибжамоллари — покдомон момоларимизнинг ажаб афсонавий ёшлик чоғларидан шеърий обида —тарамтарам, халқа-халқа сунбул сочлар ўримида шарқона сеҳрли тароқ машшотаси (пардозловчи) санъати билан пайдо қилинган «қора шалола» (Миртемир) тўлқинлар ўрнига баёнига тил ойланмас, атайлаб ёзилган ва кесилган, атайлаб тўзғитилган (хурпайтирилган) ё аксилсила (гўё «лайлак уя») шакли берилган соч модалари ёлғони... Турфа хил зебгардону тақинчоқларнинг дидсиз, ножинс, беўхшов—ярашиқсиз занжирлари, халқалари, тасмалари, шодалари ёлғони... Нигоҳлар, юзлар, кулги-табассумлар ифодасидаги анъанавий парда-иболи маънолардан, ўтли-жозиб ғамзаю назокатдан маҳрум, нотаниш ахлоқ меъёрларига тақлидомиз эркаксифат таманнолар, сохта, совуқ карашмалар ёлғони... Сўзлар оҳангидаги, луғат бисотидаги ясама нағмасозликлар, китобий «оригиналликлар» ёлғони... Албатта, юқори синф ўқувчи қизлари, билим юрти ва олийгоҳ толибаларининг эрка-шўҳҳою ҳаваслари гаммасини ҳар қалай тушунса, ёшлик романтикасига йўйиб, кечирса бўлади. Бироқ баъзи ёш мутахассис, олима, хусусан ёш раҳбар ходима қиёфасидаги гўё дахлсиз «улуғворлик», «билимдонлик» мустаснолик даъволари ёлғони, шубҳасизки дидли-фаросатли, айниқса аёл назокати бобида ажойиб анъаналаримизга ҳурмат сақлаган одамлар кўнглини ранжитиши мумкин. Эҳтимол, бу тоифа манман қиз-жувонларнинг маълум бир қисмига вақт-соати етиб қаётнинг ўзи сабоқ берар. Энг хатарлиси руҳий-маънавий маҳдудлик аломати — мансаб, мол-дунё билан ё яқинларидан қай бир шахс обрўйи билан қувониш, ҳаволаниш, ўзининг оддий одамлардан «ортиқ» эканлигини писанда қилиш ёлғони (Навоий бежиз айтмаган: «Жоҳу мол аҳлида йўқ меҳру вафо». Зотан, чин комила, оқила аёллар турли мартаба, нуфуз даъвосидан узоқ бўлганлар, камтарлик, ҳақирлик, меҳру вафо расмини ҳаёт тарзи деб билганлар)... Илоҳим биз назарда тутган суврат-даги — ташқи аломатларда зуҳур этган, алдамчи тамойиллар ёлғони сийратга, ботинга кўчмасин—онг ва тафаккурдаги, одоб-ахлоқдаги ёлғонга айланмасин.

Қабулхоналар хизматидаги аксари ёш, кўрклидуркун ёки нозик-ниҳол қиз-жувонлар орасида нотаниш бир ҳожатмандга чинакам миллий илтифот-муомала одоби билан пешвоз чиқувчиларга орзиқади одам. Баъзида ишинг тушган даргоҳга келишдан мақсадингини ҳам унутаёзиб, кўринишдан «супер маданий» бу қизнинг ўзбекча одоб-одамийлик ё муқаддас она тили меъёрларига нечоғлиқ бефарқу беписандлигини ҳазм қилолмай, хуноб бўласан, киши. Сиз остона хатлаб салом берасиз. Ё чор-ночор, жуда маломат билан эшитилар-эшитилмас алик олинади, ё берган саломингиз учун пушаймон, мулзам бўласиз — бу сукут бошқа маънони англатади: «Кўрмаяпсизми, мен бандман». Борди-ю телефонда гаплашаётган бўлса тишни-тишга қўйиб кутиб турасиз. Лекин шуниси алам қиладики, ғойиб суҳбатдош ё бирор яқини, дугонаси, ё таниш бир йигит анъаналар уйғона бошлаган ситамдийда она юртимизнинг барча расмий даргоҳларида аста-аста камайиб, йўқолиб борса... Ёш-ёш қизларимиз ҳаёлини банд қилган, келгусида уларни тўғри йўлдан чалғитиши мумкин бўлган, афсуски ҳулқ-атворига, психологиясига сингиб бораётган, ҳатто атроф-муҳитга тарқалиб, томир ёзиб улгурган бундай худписандлик, такаббурлик ёлғонига қарши кураш, чора-тадбир йўллари, таъсир воситалари ҳақида кўплашиб ўйлашимиз, жамоатчилик фикрини уйғотишимиз керакдир. Ҳозир барча кўргиликлар, фожеаларнинг ижтимоий илдизлари фош бўлаётгани, шубҳасиз, умид, нажот йўлини кўрсатади. Эҳтимол бу жиддий, мураккаб ахлоқий муаммони таълим-тарбия системасини тубдан янгилаш заминида ҳал қилиш мумкиндир, балким ишни энг инсоний, энг комил ва қадриятларимиз фалсафаси ва ахлоқига суяниб юритишга тўғри келар. Илло, ҳақ ва ҳидоят йўлини тутадиган бўлсак, қизларимиз табиати—хилқати, руҳиятидан, тафаккури ва ахлоқида ҳам покланиш, тозариш жараёнлари бошланса, улар ўзлигини, миллий қиёфаларини қайта инкишоф этсалар, турфа хил ёлғонлар кишанидан тезроқ халос бўлсалар, ажаб эмас...

Камина техника дорилфунунидаги дарсларим (маданият тарихи, эстетика курслари) жараёнида ўзбек қизларининг кийиниш-безаниш борасидаги юз-ёноқларига, кўз-қабоқларига, лаб ва тирноқларига, сочлари, ҳатто сўзларига оро беришдаги сунъий-ясама, ортиқча ҳоллар ҳақида, бундай тамойилнинг талаба, булғуси мутахассис шахсининг шаклланиш ва такомили жараёнида қолдирадиган асорати ҳақида, айниқса, қиз боланинг бахтига, тақдирига кўрсатадиган номағруб таъсири ҳақида, албатта, ётиғи билан ўз мавруди ва меъёрини билиб ўгитлар айтаман. Ҳаётдаги мумтоз адабиётдан, мумтоз санъат соҳаларидан ибратомиз мисоллар келтираман, шунингдек бевосита аудиториянинг ўзидан айрим рисоладаги камтарин, иболи қизлар намунаси орқали кимгадир гоҳ очиқ-ошкор, гоҳ пардали равишда имо-ишора тилида танбеҳ бераман... Оталарча чин мураббиёна меҳр ва самимият билан, ўрни ва зарурати билан айтган, маънодор, мантиқли, далил-исботли сўзларимнинг нечоғлиқ таъсир этишини кузатаман, натижа ҳар қалай ёмон бўлмаганини кўриб қувонаман.

Сўнгги умидли, таскинли сўзимиз шуки, хоҳ ўқувчи —толиба қизлар, келинлар сафида, хоҳ хизматчи-ходима, зиёли аёллар, уй бекаларининг орасида фазлу камолга интилган, маърифатга чанқоқ, бадиий-эстетик диди маълум даражада шаклланган, сўз қудрати ва фасоҳатини ҳис этган шундай фозила, оқила, нозик табъ бир тоифа борки, улардаги агар таъбир жоиз бўлса, интеллектуал одоб, руҳий-ахлоқий маданият суврат ва сийратларидан сезилиб туради. Умид қиламизки, зора ана шундай заковатли, хушхўлқ ва хуштабъ ўзбек аёллари — опа-сингилларнинг сафлари кенгайиб борса-ю улар аждодлардан табаррук мерос— халқона миллий удумларимиз, анъаналаримизга ҳам, уйғонишлар шамоли эса бошлаган замонамизга ҳам муносиб ва матлуб муҳит—соғлом ижтимоий-маданий бир иқлим яратсалар. Ана шунда кўнгилда яна эзгу орзу ҳавас туйғуларини жўштирадиган, кайфият ва руҳиятимизга илҳом, рағбат бахш этадиган замона бибихонимлари, гулбаданбегимлари, зебунисолари, нодиралари, дилшодлари, бонулари, нозимахонимларининг жамиятдаги мавқелари, нуфузлари тиклана ва орта борармиди?! Уларнинг таъсирида баъзан тарбияли қизларимиз орасида ҳам даврнинг ўткинчи эпкинларига «оммавий маданият», «сўнгги мода» оҳанрабосига мойилликлар, айниқса, она тилимизга, унинг софлиги ва гўзаллигига лозим даражада эътибор қилмаслик каби номағруб ҳоллар ҳам, майли аста-секинлик билан бўлсада бартараф этилармиди.

Ботирхон АКРОМ,
филология фанлари доктори.

● ТАРИҲИЙ ЁДГОРЛИКЛАР—АВЛОДЛАР МЕРОСИ

ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ОБИДАЛАР

● Қадимий Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари мустақил Ўзбекистоннинг кўрки. Чунки ўз тарихий ёдгорликлари, обидаларига эга бўлган бу шаҳарларни жаҳон танийди. Шундан бўлса керак, ҳар йили асрларга тенгдош бу шаҳарларга минг-минглаб чет эллик саёҳатчилар келишади.

Жумладан, навқирон Навоий вилоятида ҳам ўтмишга оид тарихий обидалар талайгина. Халқ меъморчилиги, нақш ўймакорлиги, ганч гулкорлиги услубида қурилган қадимий ёдгорликлар бунга мисол бўла олади. Айниқса, Кармананинг жозибадор обидалари, ёдгорликлари узоқ тарихга, ўтмишга гувоҳ. Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Кармана асосан VI аср охирлари ва VII аср бошларидан буён жаҳонга маълум. Тарихчи олим ва ўлкашунос Наршахийнинг «Бухоро тарихий ёдгорликлари» рисоласида қайд этилишича, Карманада 11 та дунёга машҳур у ёки бу кўринишдаги тарихий ёдгорликлар бўлган. Ана шу обида ва ёдгорликларни кўргани, зиёрат этгани ҳар йили хорижий мамлакатлардан кўплаб тарихчилар, ўлкашунослар Карманага ташриф буюрган. Айниқса, XI—XVI асрлар меъморчилигига хос бўлган, ўта бежирим қилиб ишланган Работи Малик, Сардоба, Қосим Шайх, Деггарон масжидлари, Мир Саид Баҳром мақбараси, Шамолгоҳ қароргоҳи саёҳатчиларда катта таассурот қолдирган.

Хўш, энди-чи? Нега бугунги кунда Карманага зиёрат ёки саёҳат истаб бирор бир хорижлик келмайди? Лоақал хат-хабар йўллаб, Кармана тарихий ёдгорликлари ҳақида сўраб-суриштирмайди? Чунки рус истилочилиги Кармана тугул Бухоро ва Самарқанд обидаларини ҳам нуратиб, оҳорини тўкиб ташлади. Ана шу нуратишлар эвазига бугун Карманада ўн битта эмас, атиги 3—4 та ярим-ёрти ёдгорликлар қолган. Афсуски, ҳозирги авлоднинг кўпчилиги бизгача етиб келган бу ёдгорликларни ҳам кўрмаган. Зеро, турғунлик йиллари, бунинг устига обидаларга салбий муносабатлар туфайли уларнинг кўпчилиги изсиз йўқолиб кетган. Ҳозир мавжуд олтита обида ҳам деярли ўз аслини йўқотган ва қайта-қайта таъмирланган ёдгорликлардир. Масалан, Маликчўлдаги Работи Малик дарвозасининг асил нусхаси, ҳолати қай тарзда бўлганини ҳеч ким билмайди. Юқорида қайд этганимиздек, фақат тарихий манбалар, эски қўлёзмаларгина у ҳақда гувоҳлик бериши мумкин. Бироқ қани ўша манба?

Аслида етти иқлим биладиган Работи Малик дарвозаси ён-атрофида энг катта ва ноёб ёдгорлик ансамблари бўлган. Дарвоза ичидан узунлиги 86 метр, баландлиги 12 метр бўлган истеҳком қалъасига кирилган. Шунингдек, бу ерда икки қаватли пишиқ ғиштдан қурилган меҳмонхона, карвонлар йўл-йўлакай тўхтаб, савдо қилиш учун улгуржи мол айрибошлаш бозори бўлган. Лекин қани улар? Работи Малик атрофлари ковлансагина бу тарихий обидалар қолдиқлари, ғиштин пойдеворлари топилади, холос. Аммо асрлар, насл-насаблар ўтган сайин улар ному нишонсиз йўқолган. Айниқса, олтмишинчи йиллар бошлари, етмишинчи йиллар ўрталарида аҳвол янада мураккаблашди. Аниқроғи, бизнинг ўтмишдошлардан гувоҳ ва ёдгорлик бўлган обидаларни сўрайдиган, уларни авайлаб-асрайдиган бирор бир кимса топилмади. Ўзибўларчилик эвазига Карманадаги Чармгарн, яъни райком чорвоғи ёнидаги, ҳозирги 2-ҳунартехника билим юрти ўрнидаги, Янгиқўрғон, Дўрмон, Қалқонота қишлоқларидаги тарихий ёдгорликлардан ажойиб обидалардан асар ҳам қолмаган.

Работи Малик 1069—1079 йиллар давомида, узоғи билан ўн йил ичида эски Бухоро ва Самарқанд тош йўлининг (ҳозирги Навоий шаҳри яқинида) Маликчўлдаги қоқ саҳро белида бунёд этилган. Унинг қурилишида ўша даврнинг таниқли нақшинкор-меъморчиси Нажмиддин Бухорий иштирок этган. Шундан бўлса керак, Работи Малик сербезак ва бежиримлиги жиҳатидан ажралиб турган. Худди шу ўринда бу тарихий ёдгорлик нега энди чўл ўртасида, бепоён саҳрода барпо этилди, деган савол туғилиши табиий. Чунки Чўли малик қадимда «ипак йўли»га яқин бўлиб, карвонлар қўналғасига мос бўлган. Бунинг устига бу йўлдан катта карвонлар, тажрибали сарбонлар ўтишган. Шу боис Работи Малик айни шу ерда савдогарлар, йўловчилар йўлида қурилган. Бундан ташқари у фақат карвонсарой вазифасини ўтамасдан, карвон аҳлини, савдогарларни, ноёб молларни душмандан, қароқчилардан ҳимоялашда ишончли истеҳком ҳам саналган.

Бу нодир тарихий обида эндиликда ҳимояга, қайта таъмирлашга муҳтож. Тўғри, инкор этиш қийин. Унинг ёнида «Работи Малик» ресторани ўзига хос ўймакор, ёғоч услубида қурилди. Аммо бу билан дарвоза таъмирланди, у муҳофазада, деб бўлмайди. У емирилиб, тугаб боряпти. Наҳотки, айни чоғда тарихий ёдгорликларни асраш учун кенг жамоатчилик ҳайр-эҳсон қилаётган, ҳукумат катта миқдорда маблағ ажратаётган бир пайтда кўз юмиб турсак?

М. ШАРОПОВ.

● Диққат: янги рўзнома

Дустингнинг, эй фировонлиги, қадриятларимиз равнақ топсин!
Амму тонги
ишонча сонлари Қорақалпоғистон Республикасининг ҳафталик ижтимоий сиёсий рўзномаси
апрель 1992 йил
Нархи - Образного 80 тийин, Сотувда 1 сум

Нукусда ўзбек тилида Қорақалпоғистон республика **«Аму тонги»** рўзномаси чиқа бошлади. Унинг муассислари республика Вазирлар Кенгаши ва таҳририят журналистлар жамоаси, ҳомийлари эса Беруний, Манғит, Тўрткўл, Элликқалъа пахта тозалаш заводлари бўлди.

Нишона сонида табрик мактублари, республика ҳаёти ва тарихига оид мақолалар, лавҳалар, шеърлар, шунингдек, «Ҳомийларимиз ҳаётидан», «Муштарийлар таклиф қилади» каби рукнлар остида Қорақалпоғистон халқ хўжалиги ҳаётидан турли материаллар босилган. Янги рўзнома муштарийлар томонидан алоҳида қизиқиш билан кутиб олинди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётни ўрганиш ва уни йўлга қўйиш учун республикамизга кўплаб менежментлар керак.

Ана шунинг учун ҳам Самарқанд шаҳар ҳокимияти бу қадимий шаҳарда ўзининг ана шундай менежмент мутахассислари бўлиши учун амалий чораларни кўрмоқда. Ҳокимиятнинг таклифига биноан Америка Қўшма Штатидан келган профессор Нилс Сков рафиқаси билан инглиз тилини биладиган талабалар ва мутахассислар даврасида иқтисодиёт ва менежментлик билимлари бўйича лекциялар ўқимоқда.

Шунингдек, олимнинг рафиқаси Диана Сков шаҳар аэропорти ишчи ва хизматчиларига ҳам инглиз тилидан сабоқ бермоқда.

СУРАТДА: профессор Нилс Сков кооператив олийгоҳи талабалари даврасида ўтказаётган машғулот мароқли бўляпти.

Р. ҒАФУРОВ (ЎзА)
суратга олган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Каттақўрғон шаҳар тиббиёт билим юрти талабалари эски ўзбек ёзувини ўзлаштириб олдилар. Унинг ўқув дастурига киритилганлиги жуда қўл келди. Улар миллий урф-одатлар, удумлар, шарқона қадрият ва инсоний фазилатлар ҳақида сабоқ олдилар.

Самарқанд шаҳрида бадиий салон очилди. Унда бадиий ижодиёт усталарининг турли кўргазмалари ўтказилади. Салоннинг очилиш маросимида швециялик рассомлар иштирок этиб, ўзларининг энг яхши асарларини намойиш қилдилар.

(ЎзА).

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

БИККС

Агарда Сиз нозиктаъб, диди баланд, сердавлат соҳиб бўлсангизу идорангиз ёки хизмат бинонгиз таъмирталаб бўлиб қолган бўлса, – демак Сиз бизга мижоз эксансиз!

"БИККС" ассоциацияси инсоф доирасидаги ҳақ эвазига бинонинг қулай ва шинамлигини таъминлашни ҳамда хоналарнинг бетакрор ички жиҳозланишини ўз зиммасига олади.

ФАҚАТ "БИККС" гина СИЗЛАРНИ ТЎЛИҚ ЖАМЛАНГАН ТЕРМА ҲОЛИДАГИ ҚУЙИДАГИ МАНЗАРАЛИ ПАРДОЗЛАШ ЭЛЕМЕНТЛАРИ (АЙТИЛГАН ЖОЙГА ЭЛТИБ БЕРИШ ВА ЎРНАТИШ БИЛАН) БИЛАН ТАЪМИНЛАЙ ОЛАДИ:

турли хил рангга бўялган алюминийдан ясалган осма шифтлар;
ранги, ўлчамлари ва услуби жиҳатидан ҳар хил, фақат юксак сифатию бирмунча арзон нархи умумий бўлган девор панеллари;
пол учун чет элда ишланган қоплама;
умумий ансамблга бетакрор майин ёруғлик самарасини бахш этувчи ўзигахос ёритгичлар.

Ҳузуримизга шошилинг хизмат жойингизнинг бетакрор жиҳозланганлиги бетакрор иш услубининг гаровидир.

ЯХШИ ЖИҲОЗЛАНГАН ХОНА - АЪЛО КАЙФИЯТ - АЪЛО БИЗНЕС ДЕМАКДИР!

Манзилимиз: 7000146, Тошкент шаҳри, Зебо Шамсуддинова кўчаси, 2-боши берк кўча. "АЛИНА" кичик жорий этиш корхонаси.
Тошкентдаги телефонлар: 90-94-85, 91-31-08, 98-64-53, 68-70-35.

"САРБОН" ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.
386.914 нусхада чоп этилмоқда.
Буюртма № Г—128.

Нашр кўрсаткичи—64583.
№ 106.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди—23.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.